

821
7260

Туроб НИЁЗ

Оуикъ и Фак



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предвдущих
выдач _____

--	--

208
Учебная
указ

Стар

ТУРОВА НИЗ

ОЧИҚ ЮРАК

Шеърлар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

«Ношир» нашриёти
ТОШКЕНТ — 2008 й.

АВТОБИОГРАФИЯ

Туроб Ниез Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Қоратош қишлоғида туғилди.

Тумандаги 37-ўрта мактабда таҳсил олди. 1985 йили Тошкент Давлат Университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини битириб, «Ўзбекистон», «Камалак» нашриётларида, «Тонг юлдузи» газетасида хизмат қилди. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг «Ёшлар» телеканалида катта муҳаррир вазифасида ишляпти.

Туроб Ниез Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси. Унинг шу пайтгача «Камалак», «Муҳаббат осмони», «Ўллаган боғлар» каби шеърый тўпламлари чоп этилган. 2007 йили Туроб Ниез «Муҳаббат гуллари» китоби учун «Энг улуғ ва энг азиз» республика кўрик-танловининг совриндори бўлди.

Азиз шеърят ихлосмандлари! Қўлингиздаги китобда шоир Туроб Ниезнинг турли йилларда ёзган шеърлари ўрин олган бўлиб, уларнинг аксарият қисми тўплам ҳолида биринчи марта чоп этиляпти. Умида қиламизки, шоирнинг ушбу янги китоби ҳам сизга маъқул бўлади.



ISBN 978-9943-353-08-4



ЮРТИМ

Марй Широқ асраган қароқсан,
Жағолиддин қучган байроқсан,
Темур бобом суйган тулпроқсан,
Мен ҳам сени суяман юртим.

Боболарим ётган бешиқсан,
Момоларим айтган кўшиқсан,
Меҳрибонсан, бағри очиқсан,
Меҳринг дилга туяман юртим.

Истиклолдан айраган жонсан,
Зулмат кетиб, ёришган тонгсан,
Бахтин тошган Ўзбекистонсан,
Қучоғингда қуламан юртим!



ХАЛҚ

Халқ донишманд ва зукко,
Ундан ҳеч ким кўп билмас.
Халқ уллуғдир, халқ — даҳо,
Самандардай йўқ бўлмас.

Халққа қарши сўз айтма,
Ўқ бўлиб қайтар сўзинг.
Халқ мулкига кўз тикма,
Қора бўлади юзинг.

Халқингни кўкка кўтар,
Қудратинг етар бунга.
Умр, вақт ўтаверар,
Халқ қолади мангута.



ТИЛАК

Бўлинмоқни ихтиёр
Айлаган ҳар қандай халқ,
Бўлгонидай бахтиёр,
Юз ўтирар ундан Ҳақ.

Тасодифан узилган
Мунчоқдай, она халқим,
Бирлигинг бузилмасин,
Йўқотиб қўйма бахтинг.



* * *

Сўзлашиб турибман сен-да энтикиб,
Узоқ айрилиқдан кейин, онажон.
Болалар ташвиши бўлибми сабаб,
Сочингда қорадан қолмабди нишон.

Хайратдан ҳайкалдай қолдим ўша он,
Ўзаллик бўлурми бундан эиёда?!
Шу кумуш сочларинг, билсанг, онажон,
Кўёш-да тенг сочар нурни дунёда!



БОЛАЛИК

Инсон зоти бўлганда бола,
Улғаймоқни қилади оруз.
Дўл зарбасин тотмаган лола
Қаби кўкка интилади у.

Йиллар ўтиб улғайса, яна
Болаликка қайтмоқ истайди.
Йўллардаин чўзиқ хотира
Қучоғидан уни излайди





ЗОМИН ТОҒЛАРИ

Зомин тоғларининг яшил бағрида
Сонсиз арчалар бор, гиёҳлар бисёр.
Қизлари ўхшайди мисли парига,
Йипитлари эса шерлардай девкор.

Зомин тоғларининг яшил бағрида
Яшаган қаримас, юрар ёшариб.
Зарра гўбор бўлмас унинг қалбида,
Аксинча тобора борар тозариб.

Зомин тоғларининг яшил бағрида
Шаббода кийикдай чопар ўйноқлаб.
Булроқлар отилиб ернинг қабридан,
Пастликка оқди зардай ярақлаб.

Зомин тоғларининг яшил бағрида
Мангу қолсам дейман, ҳеч кетгим келмас.
Бир умрга яшнаб турар қалбимда,
Ҳатто чўпини ҳам унуттим келмас.



ШҲХ ГҲЗАЛ

О, бу гўзал мунча шўх,
Ҳар бир сўзи мисли ўқ,
Дарду ташвишлари йўқ —
Онасининг эркаси.

Гул ёнида гулдан зўр,
Юратида олов, кўр,
Демангиз ҳали ёш, ёўр —
Бир ошиқ қалб эгаси.

Кулгуси тоғдан ошар,
Туйғуси дилдан тошар,
Кўрганнинг ақли шошар,
Илоё, кўз тегмасин.





ОЧИҚ ТАП

Мен хиёнат қилолмайман ўзимга,
Олислардан интиқ боққан кўзларга,
Юратимда қайнаб ётган сўзларга,
Шеър ёзишдан кечолмайман асло воз.

Ором нима, майли, билмай ўтайин,
Ширин жонга раҳм қилмай ўтайин,
Бир умрга ўйнаб-кулмай ўтайин,
Шеър ёзишдан кечолмайман асло воз.

Шону шуҳрат насиб бўлар ё бўлмас,
Шеърларимдан кўнгли тўлар ё тўлмас,
Бахтлириман, қогоз, қалам бўлса бас,
Шеър ёзишдан кечолмайман асло воз.



ЁЗ ОҚШОМИ

Чигиртка чириллар,
Иглар хуради.
Юлдузлар жимгина
Сухбат куради.

Оламлар ухлайди
Ширин туш кўриб.
Ой алла айтади
Бир она бўлиб.





БАҲОРДА КЕЛИНГ

Кўрмоқ истасангиз атар жаннатни,
Табиат яратган тенгсиз санъатни,
Тоғлардаги гўзалликни, келбатни,
Баҳор чоғларида Жиззаҳта келинг.

Ўзингиз сезсангиз беҳол, дармонсиз,
Ором топмасангиз қайта борсангиз,
Десангиз дунёдан ўтай армонсиз,
Баҳор чоғларида Жиззаҳта келинг.

Кўзингиз яшнайдил турфа ранглардан,
Кўксингиз қутулар ғубор, чанглардан,
Кўрасиз, гул унар ҳатто санглардан,
Баҳор чоғларида Жиззаҳта келинг.

Ғаллаорол, Зомин, Баҳмал, Форшани,
Гар кезсангиз, унутасиз хоришни,
Кўнгли истар бу жойларда қолишни,
Баҳор чоғларида Жиззаҳта келинг.

Олдингиздан куёш қулиб чиқади,
Пойингиздан туллар униб чиқади,
Келишингиз ҳамма биллиб чиқади,
Баҳор чоғларида Жиззаҳта келинг.



УЧЛИКЛАР

Август оқшоми.
Тангалар сочилган
Тўйхонага ўхшайди осмон.

2

Бу тун мунчалар узун,
Худди боши бору
Охири йўқдай.

3

Сени менга худо етказди,
Сени мендан кимлар кетказди?
Билмайман, гулим.

4

Ғазабимни босмоқчи бўлдим,
Аммо у бўйсунмади
Ғазабланган шер каби.

5

О манфаат, нақадар зўрсан.
Нақадар ожизман
Сенинг олдингда.

6

Кўзларингдан қилдирдим меҳр,
Кўзларингдан қилдирдим сеvgи,
Лекин тўла эди сирга кўзларинг.



7

Дарахтларнинг тили бўлсайди,
Вафосизлар кам бўлармиди,
Бўлармиди ёлгонлар камроқ?

8

Алангламай кўзимга тик қара,
Гуноҳкор бўлмасанг,
Бўлмаса айбонг.

9

Дунёда ҳамма нарса бўйсунар,
Итоат этади инсонга,
Юракдан бошқа.

Мен галоман — меҳр галдоси,
Одамлардан меҳр сўрайман.
Мен фидоман — юртим фидоси,
Дозим бўлса жонни бергайман.

Мен бойдирман, менинг бойлигим —
Ўзбекистон — она юртимдир.
Мен шоирман, бор шоирлигим,
Азиз халқим қувонч, дардидир.

РОЗ

«Севаман» сўзини айтиш осонми,
Бутун вужудингдан у чиққай сизиб.
Мени севамлигинг жонгинам ростми?
Айтақол, юрагим кетмоқда қизиб.

Чиндан севишинггни атарда билсам,
Бу бахтга юратим бероларми дош?
Гўзалим айтавер, майли, йиқилсам,
Майли, ожизлигим бўлиб қолса фаш.

Ахир севишингдан ортиқ бахт борми,
Бормикан бундан ҳам мўъжиза — ортиқ?
Айтақол, менга ҳам шу қувонч ёрми,
Наҳотки борлигинг этолсанг тортиқ?

Саволлар, саволлар... дилимда сонсиз,
Кўзларингга боқдим умидвор ва жим.
Ахир яшолмайман дунёда сенсиз,
Лекин сен ростини айттип севадим.



ЁР КЕЛСАЛАР

Кўшик

Гул тўшаймиз йўлларига, ёр келсалар,
Меҳримизга интиқ бўлиб, зор келсалар,
Юзда ибo, дилда имон, ор, келсалар,
Майли, юз бор, майли, минг бор келсалар.

Келаверсин қарамасдан ортларига,
Розилурмиз ҳар бир айтган шартларига,
Шериклурмиз қувончлари, дардларига,
Гул тўшаймиз йўлларига, ёр келсалар.

Бўйласа тенг, бўйларига бўйларимиз,
Асли бирдир кўнглидаги ўйларимиз,
Бўйсин энди кутган висол тўйларимиз,
Гул тўшаймиз йўлларига, ёр келсалар.



МАКТУБИНГНИ ОЛДИМ ЁР

Аскар кўшиғи

Мактубингни олдим ёр,
Келгандай бўлди баҳор,
Эриди кўнглимда қор,
Этлинг чексиз бахтиёр,
Мактубингни олдим ёр.

Ёзибсан севаман деб,
Интизор қутаман деб,
Йўлга кўз тутаман деб,
Этлинг чексиз бахтиёр,
Мактубингни олдим ёр.

Кучимга куч қўшинг, ёр,
Юрак селдай жўшли, ёр,
Дилдан тўмон кўчди, ёр,
Этлинг чексиз бахтиёр,
Мактубингни олдим ёр.

Аскарлик бахт йипитга,
Хизмат қилар эл, юртга,
Ватангга тур, унутма,
Этлинг чексиз бахтиёр,
Мактубингни олдим ёр.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHIKENT VILOYATI SHISOCHNO
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHIKENT VILOYATI SHISOCHNO
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОҲИР ҚҶШИҒИ

Майли, зуҳра, бу осмон
бошимга қулаб тушсин,
Суянган деворларим
устимга қулаб тушсин,
Изимдан Қоработир
қиличин қайраб тушсин,
Кечмасман сендан жоним,
Ахир сен хонумоним.

Зиндонга ташласалар,
сандиққа солсалар ҳам,
Жаҳаннамнинг оғзига —
дарёга отсалар ҳам,
Йўқотмоқ бўлиб ердан,
гулханда ёқсалар ҳам,
Кечмасман сендан жоним,
Ахир сен хонумоним.

Ахир ўлим не бўлти
дийдор, васлинг олдида,
Қалбимга муҳрланган
сиймонг — расминг олдида,
Қуёш, ойни дол этган
хуснинг, аслинг олдида,
Кечмасман сендан жоним,
Ахир сен хонумоним.

* * *

Қўчада қолмайсан,
Очингдан ўлмайсан.
Суянчиқ Ватан бор
Ва халқинг малалкор.

Шунда ҳам чўчийсан,
Ҳақни айтмоқдан.
Қуёнга ўхшайсан,
Эй кўрқоқ одам.



ШЕЪРИМ

Ёруғ тонт бўлгил шеърим,
Уйғоттил лоқайлларни.
Аланта бўлгил шеърим,
Ёндиртил муз қалбларни.

Муҳаббатта хизмат қил,
Элимига дўст бўл шеърим.
Мақтовларга бўлма қул,
Керакли сўз бўл шеърим.



* * *

Тонт отди. Куёш нур, зиёга келди,
Булбул гул дарлида навога келди.

Гул ҳам изҳорини етказмоқ учун,
Ёлвориб, хабарчи сабога келди.

Сабо йўқ демасди ва чиқди йўлга,
Булбулдай ошиқу адога келди.

Хушхабар эшитиб, севинди булбул,
Ажойиб бир кўшиқ дунёга келди.





ТУТАРМИСАН ҚЎЛИМ ЁР?

Қ ў ш и қ

Қуёшни тутиб олсам
Ва сени қутиб олсам,
Уйғонарми меҳринг ёр,
Ёнармили қалбимг ёр?

Ойни ҳам тутиб олсам
Ва сени қутиб олсам,
Ёришарми чиройинг,
Бўлармидинг ёр доим?

Богимдан гуллар терсам,
Барини сента берсам,
Қулармили кўзларинг,
Бол бўларми сўзларинг?

Бахш айтасам боримни,
Ширин жон — юрагимни,
Тўлармили кўнглинг ёр,
Тўтармидинг қўлим ёр?



СЕНИ ЎЙЛАБ

Қ ў ш и қ

Қочади уйқуларим,
Тошади туйғуларим,
Ошади қайғуларим,
Сени ўйлаб.

Кетмайсан тушларимдан,
Хаёл — оғушларимдан,
Айрилдим хушларимдан,
Сени ўйлаб.

Чора топмай бош қотар,
Ҳижрон дилга тош отар,
Кўз ёшларим шашқатор,
Сени ўйлаб.

Бахт излаган инсонман,
Сен-да кўкси осмонман,
Кетолмам остонангдан
Сени ўйлаб.





ЎЧМАС ОЛОВ

Ишқ дардини тотиб кўрганман,
Азоблари бордир юракда.
Оловида ёниб кўрганман,
Бу ўт қайта гурилмоқда.

Бу оловнинг чўғи сўнмаскан,
Тугамаскан куёшдай тафти.
Қийноқлари адо бўлмаскан,
Тарқ этмаскан ошиқлик бахти.



СЕҲРГАР БЎЛСАМ

Мен шундайин сеҳртар бўлсам,
Билиб турсам не бор дилингда.
Тингламасдим илҳақ — сўзласанг,
Мўъжизани кутиб тилингдан.

Мен шундайин сеҳртар бўлсам,
Кираверсам ҳар кеч тушингта.
«Қайта кетли?» дея бўзласанг,
Кепанингда ногоҳ хушингта.

Мен шундайин сеҳртар бўлсам,
Этаолсам сени сеҳртар.
Ёнаётган юрагим кўрсанг...
Мангута туташса тақдирлар.



ТУРТКИЛИКЛАР

Тил ва илм

Унинг тили узун, жудаям бийрон,
Соатлаб гапирар кўйиб берсангиз.
Лекин илми саяз, бўласиз ҳайрон,
Бир қарич келмайди ўлчаб кўрсангиз.

Ҳалик

Барини айтаман дейсан юзита,
Аяб ўтирмайман юзхотир қилиб.
Йўқ, яна қайтасан бирдан изингга,
Келажакнинг ўйлаб, хавотир бўлиб.

Пушаймон

Баридан айрилли ичкиликни деб,
Ойладан, ишидан бўлиш мосуво.
Бир пайт қарасаки, ўзига келиб,
Гўзал ҳаётини айлабди расво.

Қоғозбоз

Муаммолар уйилиб ётар,
Ўралашар икир-чикирда.
Мажлис қилиб, кунда гап сотар,
Фов бўлади янги фикрда.

Нўноқ

Янгилик сўзини тилдан кўймайди,
Аммо ишлар эски — калта ўйлайди.
Гўё нўноқ раққос — бир куй чалинса,
У бутунлай бошқа куйга ўйнайди.

ТҶҒРИ СЎЗ

Дунёда тўғри сўздай
Кулратли нарса йўқдир.
У юракка бир зумда
Отилиб, теккан ўқдир.

Тўсолмас юзлаб қалқон,
Ушбу ўқнинг йўлини.
Адашмайди ҳеч қачон,
Топаверар кўнглини.





ШЕКСПИР СЎЗИ

Дунёда хиёнат бўлмаса дейман,
Хиёнатдан одам ўлмаса дейман,
Юраги аламга тўлмаса дейман,
Тилагим акс сало берар сахнада.

Ҳамлет битта эмас, кўпшир Отелло,
Уларни маҳв этди хиёнат — бадо,
Лекин омон қолди мунофиқ Яго,
Афсусдан хўрлигим келар сахнада.

Яхшиям сўз бордир — ўткир Куролим,
У билан фош этдим ҳатто қиролни,
Лекин олқишладим тоза, ҳалолни,
Чин, ҳақиқат ғолиб келар сахнада.



ЎҚИТУВЧИ

Игна билан қулқ қазгандай,
Чўл бағрида яратгандай боғ,
Ханжар билан тошга ёзгандай,
Тўпроқ билан кўтаргандай тоғ,

Заҳмат чекар ҳар соат, ҳар он,
Толиқшини, миннатни билмас.
У яшайди келажак учун,
Иродаси пўлат, бўкилмас.





* * *

Талабалик йиллари. Сабоқ.
Куйиб-пишиб домла сўзлайди.
Нигоҳларинг бўлади огоҳ,
Нигоҳларим сени излайди.

Кўзларингни олиб қочасан,
Қизарасан худди лоладай.
Ва ўзга бир чирой очасан,
Парилар ҳам хайратда қолгай.

Шу тахлитда ўтди беш йил ҳам,
Сен ҳам, мен ҳам бахтимиз топдик.
Бу дунёни дерлар бири кам,
Ўша бирни бизлар йўқотдик.



* * *

Севгимизни биров билмайди,
Мен айтмадим, сен ҳам айтмассан.
Демак, ҳеч ким тавна қилмайди,
Бетоналар каби галлашсак.

Висол бизга бўлмади nasib,
Ханузгача ёниб-куямиз.
Қалб туёнин юрамыз босиб,
Суяги йўқ тилни тиямиз.





МУҲАББАТ — МАНГУ

Қўшиқ

Севи йўқ деб аллама мени,
Куйлирмоқда аланга мени,
Хайкираман оламга энди:
Муҳаббат бор, муҳаббат — мангу.

Муҳаббатсиз қуруқ тоширман,
Муҳаббат-да боқий, ёширман,
Дарёлардай тўлиб, тошурман,
Муҳаббат бор, муҳаббат — мангу.

Муҳаббатнинг азоби ширин,
Хатто алам, ғазаби ширин,
Алловлари, сароби ширин,
Муҳаббат бор, муҳаббат — мангу.

Муҳаббатдан асло кечмасман,
Муҳаббатсиз ёрни кучмасман,
Алловларга энди учмасман,
Муҳаббат бор, муҳаббат — мангу.



ХАЛҚ ЙЎЛИДА

Дарёнинг бўйи қумлир,
Ёримнинг ўйи кимлир?
Саволимга жавоб йўқ,
Айтолмасдан ёр жимлир.

Айтмаса ҳам биламан,
Сўраб нима қиламан.
Ёримнинг бу ҳолига
Билирмасдан қуламан.

Қизаради юзлари,
Чалкашди сўзлари,
Уялиб қаролмайди,
Жовлирайди кўзлари.

Ёр айтмаса айтмасин,
Ишқин ошқор этмасин.
Фақат бир шартимиз бор:
Бизни ташлаб кетмасин.



АЙБДОР

Х а з и л

Ёрил дейман, парво қилмас дил,
Сўйла дейман, тош қотади тил.

Боққил дейман, ҳар ён қочар кўз,
Иссиқ, ўтсиз қизаради юз.

Бўйсунмайди ўзимга танам,
Айбдори сенсан, жонгинам.

МАСЪУЛЛИК

Осмон кўрпам эрур, замин — болишим,
Улар тақдирига жавобгар шахс — мен.
Ўзни масъулликлан четта олишим,
Кечириб бўлмаган жиноятга тенг.



АЙТОЛМАДИМ

Қиз кўшиғи

Дардимни сезмайсиз кўзимга боқиб,
Ёнгин юратгимни юрасиз ёқиб,
Изингиздан боқдим ёшларим оқиб,
Лекин айтолмадим севгимни сизга.

Бу ишқ адо қилар мени, зўрайиб,
Сопинчдан кўзларим қолди қорайиб,
Ҳаттоки кенг дунё борар торайиб,
Лекин айтолмадим севгимни сизга.

Сиз мени чорлайсиз ёлғиз паноҳдай,
Қўлбимда порлайсиз мисли маёқдай,
Лекин дунёда бу оғир гуноҳдай,
Сира айтолмадим севгимни сизга.





ОНАЛАР

Бола юриб кетгунча,
Бешикни тарк этгунча,
Онанинг меҳнатини,
Чеккан ранж-заҳматини

Ҳисоблаб бўлармикан,
Қанча қоғоз тўларкан?
Ўзингиз ўйлаб кўринг,
Тун бўйи белдор бўлинг.

Озор топиб жонингиз,
Қолармикан ҳолингиз?
Оналар-чи чидайди,
Алплардай чарчамайди.

Тун бўйи юммайди кўз,
Лекин демас бирон сўз.
Оналар чин филокор,
Уларга таъзим даркор!



* * *

Мени ёлгонлар чарчатди,
Ёлгончи инсонлар чарчатди.
Тили бошқа, иши бошқалар,
Димоғи осмонлар чарчатди.

Уларга ишондим, минг афсус,
Юратим ёнарди — энди муз,
Гуё баҳор тулаб, келди куз,
Мени ёлгонлар чарчатди.

Ёлгонга қарши рост сўзладим,
Фақат яхшиликни кўзладим.
Бир умр ростгўй дўст изладим,
Мени ёлгонлар чарчатди...





* * *

Тушларимга кирибсан гүзал,
Эркалабсан сочларим силаб.
Шунда мен ҳам ўқибман ғазал,
Сенга узоқ умр, бахт тилаб.

Юратимга сифмагач қувонч,
Хайқирибман — кетдим уйғониб.
Висолга ҳеч бормикан илож?
Саҳаргача чиқдим тўлғониб.



УЛҒ ИСТИҚЛОЛ

Ойиқла кишан йўқ, кўлда кишан йўқ,
Юрқла қуллиқдан зарра нишон йўқ.
Сендан яйрамаган бирор инсон йўқ,
Қишларинг келди қутлуг, Истиқлол.

Ҳатто қилар эдик кўкда қушларга,
Нонлоғ босарлик тишни тишларга,
Дилдоринг кўрарлик фақат тушларда,
Сени соғингандик улғ Истиқлол.

Кўн кўнда эмас, кўнида синди,
Қиш ажаҳонинг нафаси тинди,
Юз йиллик орузлар майсалеҳ унди,
Ойлоғта минг шукр, қуллук, Истиқлол.





ВАҚТ

Вақтнинг ел каби тез ўтишин қаранг,
Кеча баҳор эди, бутун эса куз.
Бу ҳақда ўйласам — асаблар таранг,
Пешона тиришар, сўлгинлашар юз.

Ахир қанча орзу-умидларим бор,
Уларнинг барчаси ушалса дейман.
Ўшанда бўлурман чиндан бахтиёр,
Ўшанда ҳаётдан рози яшайман.

Лекин орзулар — тош, ушалмас осон,
Ирода, интилиш, сабот, куч даркор.
Вақт эса кутиб турмас ҳеч қачон,
Ўтгач, ортига ҳам қайтмайди такрор.



МЕН КУТТАН БАҲОР

Нега кўнглил сира тўлмайди,
Нега кўнглил доимо хира?
Наҳот бўни енгиб бўлмайди,
Бир иложи бўлмаса сира?!

Иложи бор. Ўзим биламан,
Сирдош керак — яқин, вафодор.
Яхши ният, умид қиламан,
Келар дейман мен куттан баҳор.





ХОТИРА КҮНИ

Марҳумларни ёд этар юрак,
Рухларини шод этар юрак,
Унсиз йиғлаб, дод этар юрак,
Хотира кўни.

Қолирийлар, Чўлпонлар ёлда,
Элбек, Усмон... айланар ёлда,
Халқ деб ёнган мангулар ёлда,
Хотира кўни.

Фашистнинг ўқига учганлар,
Юртим дея тушроқ кучганлар,
Эсланади сиз кучган шонлар,
Хотира кўни.

Афгондан қайтмаган йипитлар,
Чўққига етмаган бургутлар,
Уйғонар «тирикдир» деган умидлар,
Хотира кўни.

Қабрлар пойида этик бош,
Совуқ тошни илпитар кўз ёш,
Тавзим билан нур сочар кўёш,
Хотира кўни.



СИЗ КҮҶАДАН ЎТГАНДА

Қарамаган қолмайди,
Қотар, нафас олмайди,
Гапга қулоқ солмайди,
Сиз кўчадан ўтганда.

Суймаганлар суярлар,
Юраклари қуярлар,
Ишқ завқини туярлар,
Сиз кўчадан ўтганда.

Ўллар ҳам тан берали,
Ошиқлар жон берали,
Бахт эргашиб юрали,
Сиз кўчадан ўтганда.

Ўзгаларнинг бари мот,
Аламидан дейди дод,
Қолганларнинг бари шод,
Сиз кўчадан ўтганда.



ЁВКУР ЙИГИТГА САЛОМ

Қўшиқ

Тоғлардан ошиб келган,
Шамолдай шошиб келган,
Дарёдай тошиб келган —
Ёвкур йигитга салом.

Қалби ловуллаб ёнган,
Ишқсиз дунёдан тонган,
Севгисига ишонган —
Тоҳир йигитга салом.

Алпомиш келбат ўзи,
Узоқни кўрар кўзи,
Иши билан бир сўзи —
Қодир йигитга салом.

Топилмас бундай йигит,
Порлаган кундай йигит,
Кўпайсин шундай йигит —
Нодир йигитга салом.



СОҒИНЧ

Қишлоқ кўчалари чаггин соғиндим,
Омоннинг беғубор рангин соғиндим,
Тоқирнинг дилнуса баггин соғиндим,
Учин борар эдим бўлса қанотим.

Афсус, онам йўқдир кутиб олгани,
Дилдоримга тўймай гапта солгани,
Лекин ҳовлимиз бор — анжир, олмали,
Уларни туш кўрмоқ бўлди олатим.

Ушимиз жулаям тоғларга яқин,
Шу тоғлардан тушган қалбимга чақин,
Мен қандай узарман уларнинг ҳақин,
Тоғларга бахшида умрим, ҳаётим.

Ҳар кун соғинаман қишлоғим сени,
Албат сен ҳам интиқ кутасан мени,
Ҳеч қачон ажралмай яшасак эди,
Бу менинг армоним, орзум, баётим.





ОЧИК ЮРАК

Юрагимни кент очиб кўйлим,
Кўрсин уни, билсин оламлар.
Йўлларига тул сочиб кўйлим,
Яйраб, яшнаб келсин оламлар.

Кишлар келсин, баҳорлар келсин,
Меҳмон бўлсин ёзу кузлар ҳам.
Булбуллар ҳам келиб кўйласин,
Кўноқ бўлсин ой, йолдузлар ҳам.

Кувончимга бўлишсин шерик,
Фамларимни тарқатсин булдай.
Яхшиларга юрагим очик,
Бугёнга яшайман шундай.



ҲАМАЛ

Сўнгги кир қордан ҳам асар қолмади,
Мини голиб келди ерда яшил ранг.
Гўллик бағрита олди оламни,
Самони тўлдирди қушлар — минг жаранг.

Димоқни қитиқтай бошлади ислар,
Юрак бўзмоқ бўлар кўкрак қарасин.
Кун сайин очилиб борали қизлар,
Ингитлар боқали чикмай нафаси...



КЕТОЛМАЙСАН

Кўшиқ

Мени ғамга ташлаб кетарсан,
Юратимни ғашлаб кетарсан,
Кўларимни ёшлаб кетарсан,
Кетолмайсан севгимни олиб.

Излаганинг топарсан балки,
Унинг дилин ёқарсан балки,
Янги узук тақарсан балки,
Кетолмайсан севгимни олиб.

Балки сенга севги — ўйинчоқ,
Ирғитасан хоҳлаганинг чоқ,
Менга эса ёлғиз овунчоқ,
Кетолмайсан севгимни олиб.

Хатто жоним олишинг мумкин,
Ёнган ўтга солишинг мумкин,
Не истасанг бўлиши мўмкин,
Кетолмайсан севгимни олиб.



СҮЙИБ ҚОЛАСАН

Бир кун келар, суйиб қоласан,
Кеч бўлади, куйиб қоласан,
Мени дея телба бўласан,
Бир кун келар, суйиб қоласан.

Пушаймонлар қиласан у кун,
Азобларинг — хатолар учун,
Олов бўлар охир чўғ, учкун —
Бир кун келар, суйиб қоласан.

Узрларни қилмайман қабул,
Юмшамайди қолган бу кўнгли,
Қайта ўтга айланмайди кул,
Бир кун келар, суйиб қоласан.

Ҳозир эса бошқада дилинг,
Ўзга номни мадҳ этар тилинг,
Лекин шуни сен яхши билгин —
Бир кун келар, суйиб қола





ХАҲО

Нега сента меҳр кўйдим,
Нега сени суйдим мен?!
Кейин ўтларда куйдим,
Жонимдан ҳам тўйдим мен.

Эшитгандим бир пайтлар:
«Муҳаббатнинг кўзи кўр».
Эслан чиқди бу гаплар,
Сеҳру жодунг чиқди зўр.

Ихтиёримни бердим,
Эгалладинг борлигим.
Ўзимни кўкда кўрдим,
Юратимда севги лим.

Васлинг билан маст эдим,
Йўқотгандим хушимни.
Муҳаббатинг рост дедим,
Топгандай бахт кушимни.

Кейин билсам, вафосиз
Ёр экансан, куйдим мен.
Пушаймоним адосиз,
Нега сени суйдим мен?!




КАСБИМ

Қ ў ш и Қ

Касбим менинг — фаҳрим менинг,
Оширасан қадрим менинг.
Сен туфайли гул очади,
Қишлоғим ҳам, шаҳрим менинг.

Шифокормиз, учувчимиз,
Меъмордирмиз, қурувчимиз.
Инсон кўли гул дейдилар,
Тикандан гул қилувчимиз.

Дунё гузал меҳнат билан,
Хунар билан, заҳмат билан.
Урмимизни безаяпмиз
Эл дуоси, раҳмат билан!





НАФС

Озгина нафсингни тиёсанг бўлгани,
Барча қийналишлар топади барҳам.
Ҳеч иккиланма, ўтирма ўйланиб,
Жувонмарт бўлмасин қолган умр ҳам.

Бу нафс дегани бир офат билсанг,
Оёқ-кўлларингни боғлаб ташлайди.
Сен унинг олдида қанча бўжилсанг,
У сени шунчалик хўрлай бошлайди.



АРМОН

Кўз юмар чоғда бўлди пушаймон
Нимадан чўчибди шунча йил ўзи?
Йишабди тилини тишлаб ҳар қачон,
Юраги тубида занглабди сўзи.

Йишабди бир умр елкасин қисиб,
Ғазабу нафратин биров сезмапти.
Йишабди кўндай панада пусиб,
Очик майдонларда мағрур кезмапти.

Қайсилир зўравон тортса шапалоқ,
Иккинчи юзини «ур» деб тутибди.
Ҳақорат айласа қай оғзи шалоқ,
Йидамай аламин ичга ютибди.

Барибир ўлимга экан-ку маҳкум,
Нега йшамали шердай мардона?
Орта қайтаролмас умрни ҳеч ким,
Ким даво топади бу дард,армонга?!



СЕН КЕЛСАНГ

Вужудим яйраб кетар,
Кузларим кувнаб кетар,
Юрагим уйнаб кетар —
Сен келсанг.

Аразлар булар унут,
Тарқалар тумон — булут,
Уйғонар яна умид —
Сен келсанг.

Күүкка етар бу бошим,
Эрийли тош — бардошим,
Севинчдан оқар ёшим —
Сен келсанг.

Йироқлар ортда қолар,
Фироқлар ортда қолар,
Сўроқлар ортда қолар —
Сен келсанг.



ОРЗУ

Қалин ўрмон, мўъжаз чайлада
Ўтирсанг шеър ёзиб, бемалол.
Ёмғир ёғиб турса — томчилаб,
Майинггина эсса шўх шамол.

Хаслингни бузмаса ҳеч ким,
Гўзал малак — илҳомдан бошқа.
Барча ташвиш, ғамлар чекиниб,
Фақат бир ўй — шеър бўлса бошда.





СЕНИ ДЕБ

Юлдузлар сени деб порлаб туради,
Күёш ҳам сени деб сочади нурлар.
Шамол ҳам изингдан қолмай юради,
Сени деб очилар анвойи гуллар.

Васлинг умиллила ёнар ошиқлар,
Оҳ чекиб чиқишар тун бўйи тинмай.
Хофизлар куйлайди сен деб кўшиқлар,
Шоир малҳуминг ёзар оромни билмай.

Сента етмоқликни қилмадим ҳавас,
Ҳолва деган билан оғиз чучимас.
Лекин бу дунёда борлигинг яхши,
Сендайлар бўлмаса куйламас бахши...



КАМОН ЭКАН

Қ ў ш и қ

Қошларинг камон экан,
Ўқи бор ёмон экан,
Камлан кам омон экан,
Висолинг армон экан.

Ошиқларинг саноқсиз,
Бари мағлуб, салоқсиз,
Аламлари адоқсиз,
Сўрамайсан: «Қандоқсиз?»

Мехр, дард борми сенда,
Айт, шафқат борми сенда,
Оқибат борми сенда,
Муҳаббат борми сенда?!

Ё юраги музмисан,
Ҳазонмисан, кузмисан,
Ё севгисин излаган,
Тополмаган қизмисан?



АХД

Умр ўтиб борар аста сездирмай,
Лекин мен сездириб яшаним керак.
Оху воҳулар билан қалбни бездирмай,
Ҳар қадамни датиш ташлашим керак.

Токи қадимимдан бирор из қолсин,
У нурга ўшасин, гулга ўшасин.
Кўрган ҳавас қилсин, намуна олсин,
Оз бўлса ҳам менга ўхшаб яшасин.



ОҚ ЛАЙЛАК

Чиноз туманида «Минг терак» деган
жой бор. Ҳақиқатдан бу жойга минг-
та терак экилган. Тераклар ўртасидаги
симёғочда эса қўзапоядан қурилган
лайлак уяси бор.

Оқ лайлак, оппоқ лайлак,
Дилга олам тафт бердинг.
Шодликка тўлди юрак,
Завқ бердинг, ҳайрат бердинг.

«Минг тарак»ка қайтарсан,
Ҳар йили канда қилмай.
Суйиб, макон айлайсан,
Ўзга жойни юрт билмай.

Дилингда не истак, ҳис,
Билмайман борлигини.
Биламан, «Минг терак»сиз
Сенга кўк торлигини.



* * *

Соғинганман сени нақалар,
Хаёлимда аксинг елади.
Узун тундан саҳарга қалар,
Сухбатдошинг бўлгим келади.

Сенинг эса хаёлингга ҳам,
Келмагайман — ўзгага ёрсан.
Ажабланма, бахтлиман десам,
Нимагаки оламда борсан.



БЎЛМАГАЙ

Онанигни эъзозлаб, қилмасанг рози,
Кўнглини оғритиб, этсанг норози,
Қишларга айланса сени деб ёзи —
Кундуз кунларинг ҳам ёруғ бўлмагай.

Ёринг дардларига бўлолсанг дармон,
Ёнида дўст каби туролсанг ҳар он,
Дилида заррача қолмаса армон —
Юзлари ол бўлтай, сариқ бўлмагай.

Умринггни ўтказсанг, изсиз бесамар,
Тарбия қилмасанг еолиҳ фарзандлар,
Сендан қолса фақат аразу доллар —
Қалбинг пушаймондан фориг бўлмагай.

Меҳнат билан ўтса ҳар соат, онинг,
Доим ҳалол бўлса топган ош, нонинг,
Бойлик деб сотмасанг виждон, имонинг —
Кўз ёшларинг оқиб, ариқ бўлмагай.

Йўқка чилаб, шуккур десанг борига,
Ҳамлард бўлсанг одамларнинг зорига,
Йрай билсанг шу Ватанинг корига —
Бундан ортиқ савоб, довриқ бўлмагай.



* * *

Мени бир ит тишлади
Ё биров олқишлади?
Сабабини билмадим,
Қора кўнглин хушлади?

Тишимни босдим тишга,
Эрк бермадим лек муштга.
Нима ҳожат бор дедим,
Ҳайвон билан уршишга.



ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

Заминда ризқ — қор бўлсин,
Вафолор дўст, ёр бўлсин,
Диллар бир, ҳамкор бўлсин,
Қайгулар бекор бўлсин.

Олов бўлсин юракда,
Қувват бўлсин билакда,
Яхши етсин тилакка,
Кимки ёмон, хор бўлсин.

Етайлик дўст қалрита,
Шерик бўлиб дардига,
Олқиш инсон мардига,
Номард дўстга зор бўлсин.

Юрагингни кенг айла,
Шоҳ, галони тенг ўйла,
Меҳмонга жонни бойла,
Майли, уйинг тор бўлсин.

Туроб, яхши ниёт қил,
Ёлғон сўзни уят бил,
Шукр қилу зиёд бил,
Парча нонинг бор бўлсин.





ТИЛАК

Ёлгон эмас, рост сўзлагандлар,
Вижлонига мос сўзлагандлар,
Ботирларга хос сўзлагандлар,
Омон бўлсин, саломат бўлсин.

Ҳақиқат деб ёниб-куйгандлар,
Жонини ҳам гаров куйгандлар,
Муҳтожларга қалқон бўлгандлар,
Омон бўлсин, саломат бўлсин.

Кўзларини ёғ босмагандлар,
Кўнгилларин доғ босмагандлар,
Бириб туриб чоҳ босмагандлар,
Омон бўлсин, саломат бўлсин.

Ўзиптидан ҳеч кечмагандлар,
Юрагидан Ҳақ кўчмагандлар,
Дунё жипвасига учмагандлар,
Омон бўлсин, саломат бўлсин.



МЕН СЕНСИЗ ЯШОЛМАЙМАН

Қўш и қ

Доим сени суйгайман,
Сен деб ёниб, куйгайман,
Ишқинг дилга туйгайман —
Мен сенсиз яшолмайман.

Ўйкусиз тунлар айтсин,
Азобли кунлар айтсин,
Бўғзимда унлар айтсин —
Мен сенсиз яшолмайман.

Сув, нонсиз ўтар куним,
Тонгларсиз ўтар куним,
Оромсиз ўтар куним —
Мен сенсиз яшолмайман.

Қадримга етмапсан,
Айт, нега келмапсан,
Наҳотки билмапсан? —
Мен сенсиз яшолмайман.



ЗУККО ТАЛАБАЛАР

Илм йўлида заҳмат чекасиз тинмай,
Ўйин-култуларни, оромни билмай,
Китоблар ўқийсиз соатлаб, жилмай,
Зукко талабалар — сабрли ёшлар.

Биласиз, илмсиз юксалмагай юрт,
Донишманд, олимсиз юксалмагай юрт,
Кўпайса билимсиз, юксалмагай юрт,
Зукко талабалар — таъбирли ёшлар.

Компьютер, ЭҲМлар измингизладир,
Устозлар ўтиги эсингизладир,
Бахтининг калити ҳам ўзингизладир,
Зукко талабалар — талбирли ёшлар.

Истайсиз, сафингиз ўсса кун сайин,
Бўлмаса битта ҳам қолоқ, бетайин,
Келажак этаси бўларсиз тайин,
Зукко талабалар — қадрли ёшлар.



АЁЛЛАР

Яшолмайли аёллар бизсиз,
Ғам аламда ўтар кунлари.
Тўлғонали ухоломай ёлғиз,
Бедорликда кечар тунлари.

Яшолмайли аёллар бизсиз,
Не қиларин билмай қоларлар.
Қувончлари йўқолар изсиз,
Маҳзун бўлиб, кулмай қоларлар.

Яшолмайли аёллар бизсиз,
Бўлиб қолар жаҳлдор ва кўрс.
Ўзин сезиб бечора, кучсиз,
Қилирали ҳимоячи, дўст.

Яшолмайли аёллар бизсиз,
Кўринмайли ҳеч не кўзига.
Юраклари бетуйғу, хиссиз,
Жозиба йўқ айтган сўзида.

Яшолмайли аёллар бизсиз,
Тақинчоқлар такмай кўярлар.
Ўт кўзлари чақнамас, нурсиз,
Ойнага ҳам боқмай кўярлар.

Яшолмайли аёллар бизсиз,
Йўқолади тинчи, ором.
Юришадиган паришон, хушсиз,
Зулмат бўлиб бутун олами...

Лекин айтай, биз эркаклар ҳам
Яшолмаймиз уларсиз зинҳор...
Жуфти билан ҳар битта одам
Бу дунёда бўлгай бахтиёр!



АЙТ

Мен сени тингладим, тинглайсанми? Айт,
Мен сени англадим, англайсанми? Айт,
Ё ёнган оловга ташлайсанми? Айт,
Мен сени англадим, англайсанми? Айт.

Мен сени кўп кутдим, келасанми? Айт,
Сен деб ғамлар ютдим, биласанми? Айт,
Ё холимга қараб куласанми? Айт,
Мен сени кўп кутдим, келасанми? Айт.

Ахир нима эксам, шунга ўргайман,
Тангри не истаса, шунга кўргайман,
Барибир мен сендан жавоб сўргайман:
Мен сени севаман, севасанми? Айт.



ЎЗИНГИЗНИ СУЙТАНМИЗ

Тентингизни тополмай,
Бетонага боқолмай,
Сабабини англолмай —
Ўзингизни суйтанмиз.

Шакар, болдан ҳам ширин,
Ҳикмат дейсиз ҳар бирин,
Қатида қалб яширин —
Ўзингизни суйтанмиз.

Бир бор боқса термулиб,
Ёки ғамгин ё кулиб,
Дунё кетгай эврилиб —
Ўзингизни суйтанмиз.

Шабнамдан олган улғу,
Ёноқларда пок кулғу,
Тонгда очилган тул-ку —
Ўзингизни суйтанмиз.

Юракларда яради,
Бўғизларда наъради,
Ўчмас бўлиб боради —
Ўзингизни суйтанмиз.



КОСА

Бир қора косам бор — оталдан мерос,
Сира оқармайди — ювдим қанчалар.
Тоҳо оқаргандай бўлади оз-моз,
Барибир қолади қора доғчалар.

«Баҳридан ўтсам-чи...» — ўйлайман баъзан,
Бундай қилолмайман — у ота мерос.
Бир кун оқарар деб умид қиламан,
Яна сабр қилиб турай-чи бироз...



АЙТИШУВ

Йигит: Шошилади намулча,
Очилмаган бу гунча.
Сен ҳам шошмай қулоқ сол,
Сўзларимга бутунча.

Қиз: Қулоқ солсам солайин,
Тафтингизни босайин.
Мен ҳам шу баҳонада
Юратимни очайин.

Йигит: Кеча сени туш кўрдим,
Кайфиятинг хуш кўрдим.
Севгидан гап бошласам,
Қўлларингни мушт кўрдим.

Қиз: Йигит туши терс келар,
Тушта қирмайди нелар.
Тушда ҳам, ўнгида ҳам
Кўркув билмайди шерлар.

Йигит: Аёзнинг қаҳри ёмон,
Аёлнинг макри ёмон.
Тўғри сўзнинг яхши,
Тилингнинг заҳри ёмон.

Қиз: Бойнинг дўкони бордир,
Сойнинг тўфони бордир.
Наҳотки билмасангиз,
Гулнинг тикони бордир.

Йигит: Қиёсинг йўқ, тенгинг йўқ,
Лекин кўнгли бергинг йўқ,
Сенга атаб уй қурдим,
Наҳот унга келпинг йўқ.

Қиз: Қиз дилдагин айтмайди,
Сирин аён этмайди.
Юборинг совчиларни,
Хафа бўлиб кетмайди.



ҚАЙНОНА

Келин кўраин деб қирқ жони ҳалак,
Унинг бу орзусига тордир бу фалак,
Бир кун ҳовлисига келганда малак,
Шодликдан ўзига ситмас қайнона.

Лекин кунлар ўтиб, ўзгарад бари,
Кўзига кўриниб баҳо сингари,
Ёқмайди келиннинг қилган ишлари,
Келинни кўзига илмас қайнона.

Ўтирса ўпоқ деб, турса сўпоқ дер,
Келин кийик бўлса, қайнона бир шер,
Кимга ён босмоқни билмас шўрлик эр,
Қовоғини уйиб, кулмас қайнона.

Кўнгилда оқибат, кенглик бўлса бас,
Шунда аловатлар топади абас,
Келин ҳам фарзандлир, асто ёв эмас,
Наҳот, бу ҳикматни билмас қайнона?!



ЮРАК

«Куй юрак, ўксима, ўзингни туттил,
Бошқа юраклардан ўрнак ол, ўрган.
Қандай алам кечса барин унуттил,
Ахир ноҳақликлар доимо бўлган.

Дунёни тузатиб бўлмас ҳеч қачон,
Энг улғу табиб ҳам тополмас чора.
Сен эса шунчаки миттигина жон,
Малҳам топаман деб бўлма овора...»

Аммо юрак қурғур тингламас зарра,
Топган баҳонаси: қулоғи йўқмиш.
Ўзин билганидан қолмайди сира,
Уни қийнайверар бүгун ва ўтмиш.



АЙРОНЧИ ҚИЗ

Қўшиқ

Иссиқ кунда айрон ичган зап қилади,
Ахир айрон соғлиққа ҳам наф қилади,
Чанқовни ҳам шу заҳоти даф қилади,
Саратонда шу айрондан аълоси йўқ.

Шу ўй билан ичган эдим айронингни,
Сезган эдинг йўлда чанқаб, хорганимини,
Кимга айтай ушлагман армонимни —
Айрончи қиз, айронингнинг мазаси йўқ.

Ахир ўзинг гулдай қизсан, ойдай қизсан,
Сўзлаганда сўзи новот, мойдай қизсан,
Ўйлагандим айрони ҳам болдай, қизсан,
Наҳот энди айронингнинг тозаси йўқ.

Ҳазиллашдим, айрончи қиз, бўлма хафа,
Маза қилдим айронингни ичган дафъа,
Шод бўлардим, десанг бир бор: «Жоним, ака»,
Айрончи қиз, айронингдан аълоси йўқ.



Ишқингда ҳар куни ёндим ўтиндай,
ўчириш келмади лекин ўйингда.
Ортингдан югурдим содиқ итингдай,
Ҳайдалинг тош олиб икки кўлингда.

Термулиб тўймалим юзингда, нетай,
Сен эса юзингни бурдинг тесқари.
Делим: «Кучоғингда йўқ бўлиб кетай!»
Сен эса кўксингдан итардинг нари.

Қанча қаттиқ суйсам шунча хўрладинг,
Раҳм нелигини билмадинг, хайҳот!
Пешонамни чўлдай мунча шўрладинг?
Озгина бўлса ҳам кулмадинг, ҳаёт...



Сиз пулни севасиз, пул деб яшайиз,
Пул деб жонингизни қиласиз фидо.
Ўзни чўққа уриб, ўтга ташлайсиз,
Охир-оқибатда бўласиз гадо.

Сиз мента эътироз қиласиз шартта:
«Ахир мен бойман-ку, пулим кўп» дебон.
Ҳаттоки галодан хордир албатта,
Юрт деб яшамаса атарда инсон.



БАХТИЁР ЭДИК

Кўшиқ

Бахтиёр эдик, нега
айрилиб кетдик?
Ўзга-ўзга йўлларга
қайрилиб кетдик.

Ким айбдор фироқларга?
Билмайман, жоним.
Мен сендан йироқларда
йигдайман, жоним.

Ўксиган кўнглини ҳеч
овутиб бўлмас.
Юрак ёнар эрта-кеч,
Совутиб бўлмас.

Севгимиз ҳурмати, ёр,
Қайттил ёнимга.
Ёлғизликда нима бор? —
Ёшлик чоғингда.



ОСОНМАС

Осонмас бир тахлитда
Рангу рўйни сақламоқ,
Келишган қалду-қомат —
Сарв бўйни сақламоқ.

Мурося қилолмагай
Яхшилигу ёмонлик,
Ахир қийин, битта жойда
Бўри, кўйни сақламоқ.





БИР ЗУМГИНА КЕЛГИЛ

Бир зумгина келгил ёнимга,
Бир зумгина ёнимда ўлтир.
Бир зумгина қара холимга,
Бир зумгина кўнглимни тўлдир.

Бир зумгина тингла сўзимни,
Бир зумгина дардимни тушун.
Бир зумгина бурма юзингни,
Мухаббатим хурмати учун.



* * *

Тиниқ шабонамларга чайилган майса,
Оппоқ туйгуларга чулганган юрак...
Бу дунёда неки бокира, асид,
Барчаси қониқиб яшаши керак.

Йўқса бош айбдор бўламиз бизлар,
Уволлари келиб бизни уради.
Қасоскор руҳлари — таънали кўзлар
Олис-олислардан боқиб туради.



ҚИШ МАНЗАРАЛАРИ

Гўёки ҳамма ёқ унга беланган,
Зарра кепаги йўқ, оппоқ, эланган.

Нуруда ялтирайдми сон-саноқсиз зар,
Қаманиб кетали боққанда кўзлар.

Нафаслар буғ бўлиб учар ҳавога,
Қорнинг ғирчиллаши ўхшар навога.

Севинчи ичига сиғмаган қарғи,
Гоҳ учиб, гоҳ кўниб қичқиради: «Қал Қал».

Аёз деразата чизади сурат,
Қуёш ўчирмоққа қилолмас жуърат.

Дарахтлар оқ кийган қизни эслатар,
Кўл эса улкан бир музни эслатар.

Қорбўрон ўйнайдми шўх болажонлар,
Заррача қайғуси йўқ болажонлар...



ДЕДИМ

Ёмонга баралла ёмонсан дедим,
Нодонга тап тортмай, нодонсан дедим.

Шамолдек беқарор, бетайин каста,
Сен ўзи қайси бир томонсан дедим.

Кўлидан иш келмас, қуруқ савлатга,
Фақат кўринишдан фасонсан дедим.

Пул деб виждонини сотган кимсага,
Бунчаглар қалдиринг паст, арзонсан дедим.

Имонишдан кечган бир порахўрға,
Айт, нега ҳали ҳам омонсан? дедим.

Тилидан бол эмас, захар томгувчи
Одамга аслида илгонсан дедим.

Минг афсус, буларни ҳаёлан айтдим,
Туроб, ҳаёшпараст инсонсан дедим.





АҢЛО

Бавзида жаннатдан жаҳаннам аҗло,
Гоҳида сукутдан жаҳл ҳам аҗло.

Дўст деб ўйлаганинг бўлса мунофиқ,
Ундан душман аҗло, баҳил ҳам аҗло.

Соатлаб айтилган бесамар гапдан,
Дононинг бир сўзи, нақл ҳам аҗло.

Дунёни безайди турфа хил ранглар,
Демак, бир хилликдан ҳар хил ҳам аҗло.

Инсонда бариси гўзал бўлса соз,
Бўлсин мазмун аҗло, шакл ҳам аҗло.

Бефойда тортишмоқ нодоннинг иши,
«Йўқ, бундай эмас»дан «маъкул» ҳам аҗло.

«Қай бири аҗлодир» дея сўрама,
Фаросат аҗлодир, ақл ҳам аҗло.



ЕТИБ БЎЛМАС

Дийдорингга етдимү васлингга етиб

бўлмас,

Айтдим гўзал эканинг, севдим деб айтиб

бўлмас.

Тўполонгга айланди бирдан сокин ҳаётим,

Энди менинг умримда бир хиллик, тартиб

бўлмас.

Ишқинг домига тушдим, чиқмоққа

бир чора йўқ,

Отилган ўқ мисоли орқага қайтиб бўлмас.

Шунчалик яқинсанки, кўлим узатсам етар,

Аммо ўртамиз говли, бағримга тартиб бўлмас.

Адамга чидаётмай кўзларимга қалқди ёш,

Қуримас энди бу ёш, бир умр артиб бўлмас.

Юкинг ерда қолмагай, Туроб, дўстларинг

бордир,

Аммо ҳижрон юкини бировга ортиб бўлмас.





ГУЛЛАР ХИРА ТОРТАДИ

Сенинг хуснинг олдида гуллар хира тортади,
Булоқ сувидан тоза нурлар хира тортади

Қанчалик мафтункордир тоғлардаги донлар,
Сен-да турса ёнма-ён, улар хира тортади

Кўзларни қамаштириб, ёнса ҳамки оловдек,
Юзларинг жилвасидан дурлар хира тортади.

Балки жаннат боғларида топилмаган тенглари,
Сен-да келса юзма-юз, хурлар хира тортади.

Нафақат бу заминда, хуснингга тоб беролмай,
Кўкдаги ой, юлдузлар, кунлар хира тортади.



АНГЛАШ ПАЙТИНГ КЕЛДИ-КУ

Баҳор келди, уйғон дарахт, гуллаш пайтинг

келди-ку,

Булбулгинам, сен ҳам уйғон, куйлаш пайтинг

келди-ку.

Ўғлим, энди катта бўлдинг, юрма ҳали ёшман

деб,

Келажакнинг, эртанг ҳақда ўйлаш пайтинг

келди-ку.

Эй юртдошим, озолсан, кўрагингни фоз

тутти,

Бўйларингни дунё билан бўйлаш пайтинг

келди-ку.

Эй тортинчоқ, мўмин одам, тишлайверма

тилингни,

Мутеликнинг даври ўтди, сўйлаш пайтинг

келди-ку.

Эй, бировлар сўзи билан адашган фоғил

инсон,

Ҳаётингни изга солиб, ўнглаш пайтинг

келди-ку.

Билсанг, сенга шу Ватандан ортиқ, улуғ

кавба йўқ,

Энди ушбу ҳақиқатни англаш пайтинг

келди-ку.



АЁН ЭТАЙ

Дилимда дардим бисёр, айтмоққа мен жуда зор,
Тинглармикан уни ёр ё хатда баён этай?

Бўзилмасми ороми, зулмат бўлиб олами,
Хафа бўлиб қолами? Эҳ, қандай аён этай?

Бўлса дейман у шодон, билмаса сира армон,
Яшаса дориламон, бир умр шодмон этай.

Илмаса назарига, етмасам висолига,
Чидаб ишқ озорига, дардимни дoston этай.

Чорласа гар ёнига, ора кирай жонига,
Ёр бўлмасдан номига, мушқулин осон этай.

Тинглай деса сўзимни, бахтли санаб ўзимни,
Туроб, қўлда созимни куйлатиб, забон этай.



ҚАЙЛАРДА ЮРИБСАН ЁР?

Айт, нзаб қайга борай, қайларда юрибсан ёр,
Ё ўзи келар лебон, йўл қараб турибсан ёр?

Ҳажрингда куйиб-ёниб, қўлга айланиб бўлдим,
Сен эса бу ҳолимга қаҳ-қаҳа урибсан ёр.

Наҳотки, севги дарди сента бетона бўлса,
Севганлигим эшитиб, лабларинг бурибсан ёр.

Ҳеч кимса сени мендек севмайди, севолмайди,
Шунида ҳам бошқалардан мени кам кўрибсан ёр.

Оромбахш сўзларингни қанчалар соғинганман,
Сен эса аёв ила суҳбатлар қурибсан ёр.

Туробнинг ўй-хаёли фақатгина сендадир,
Билмам, кимлар ҳақида хаёллар сурибсан ёр?!





ЕТАР ЭНДИ

Жабрингизни шунча торттик, етар энди,
Ҳижрон гамин дилга ортлик, етар энди.

Ўзингиз-ку ўзингизга ром айлаган,
Кутишлардан безиб, хордик, етар энди.

Пайгамбар ҳам боргандир келмаганда тоғ,
Келмадингиз, бизлар бордик, етар энди.

Не бўлади марҳаматлар кўргүзсангиз,
Ё ўзгалар биздан ортқ, етар энди.

Сўрамадим сиздан олтин, жавоҳирлар,
Бир табассум айланг тортқ, етар энди.

Оруз билан яшмоқда Туроб булун,
Бўлмас дебон ҳижрон, хорлик, етар энди.



«АФАНДИ» ГАЗЕТАСИГА

Эзу бўлиб оламлирни култиради «Афанди»,
Кўнгиралини завку шавққа тўлтиради «Афанди».

Бу дунёга келган кундан «Муштум»га бўли
йўлдош,
Юрқиларда чакмоқ чақиб, гултиради «Афанди».

Ангини, кимда нўксон йўқдир, кимда йўқдир
камчилик,
Бу нўксон — тиконларни сўлтиради «Афанди».

Осон эмас дилни хушлаш, янги гап — кулгу
топиш,
Лекин барча-барчасига ултуради «Афанди».

Дингисо муштумзўрни, порахўр, вазьдабозни
Ҳажинининг тузоғига илтиради «Афанди».

Кулгунини куч-кудратига бас келолмас ҳеч
бир куч,
Шул сабабдан бўлмаганни бўлтиради «Афанди».

Чиннакам бир мухлисидир Туроб ҳам
«Афанди»нинг,
Ўз раҳматини шўх кулиб билтиради «Афанди».





ИШҚ ЎТИ

Юрагимда ўт ёнди, энди ўчириб бўлмас,
У фақат дилда ёнгай, ҳар ён кўчириб бўлмас.

Бу ўтни ўчирмоққа ҳеч қачон шайланмадим,
Ахир ўчириш гуноҳ, кейин, кечириб бўлмас.

Мухаббат ўтидир бу, ёндирган ёрнинг ишқи,
Бепарво қолсанг ўчар, кўздан қочириб бўлмас.

Ишқ ўти ёнган кўнгли доимо ризо, тўқдир,
Демакким, бу ўт лозим, кўнгли оч юриб бўлмас.

Ишқ майи қанча тоғлиғ, қанча ширин бўлмасини,
Қалбни тар ишқ ёқмаса, уни ичириб бўлмас.

Туроб, сенинг кўнглингда сўнмаса ишқ олови,
Бошингдан бахт қушини қувиб, учириб бўлмас.



ЎТКИНЧИ ДУНЁ

О, ўткинчи дунё, алдамчи дунё,
Кўнглига соласан минг турли ҳавас.
Умар ҳақиқийими? Ёки туш, рўё?
Нима бўлганда ҳам абадий эмас.

Ҳилман, бу ҳаёт бир синов холос,
Бу синовдан ҳамма ўта олмайди.
Кимки бу дунёга кўдркан ихлос,
Оллоҳдек чин дўста ета олмайди.

МЎЪЖИЗА

Бу дунёда неки яралган, борки,
Беҳисоб хайратлар улашар бизга.
Ҳаттоки дарахтнинг олдий бир барги,
Иккилаб қарасак — улкан мўъжиза.



СЕН ГҲНОҲСИЗ

Сен бутунлай гҲноҲсиз,
ГҲноҲкор менинг ўзим.
Нетай, севгим адоқсиз,
Севгим — ёруғ юлдузим.

Бу юлдуз сўнмагай ҳеч,
Порлаб турар кўксимда.
Эслатар сени ҳар кеч,
Чорлагай доим сена.

Севасанми ёки йўқ,
Бунинг фарқи йўқ энди.
Сайёда кўзинг отган ўқ,
Олиб бўлмас ўқ энди.

Сен бутунлай гҲноҲсиз,
ГҲноҲкор менинг ўзим.
Сен гулдирсан — тиконсиз,
Гувоҳдир икки кўзим.

ПОСБОНЛАР

Билки орангизда Навоийлар йўқ,
Билки кимроқ эрур машҳур инсонлар.
Лекин сифингизда фидоийлар кўп,
Фидоий бўлиши шартдир посбонлар.

Силкиз соат ишлаш сиз учун хаёл,
Силта ширин оруз икки кунлик дам.
Кунгизда йилгилар иштибоҳ, савол,
Сиз олдин одамми ё пўлат одам?!

Кимгадир яхшисиз, кимгадир ёмон,
Лекин одамларга доим кераксиз.
Ожизлар олдида ювонч, меҳрибон,
Муридон олдида худди шердексиз.

Бир ширин сўзини аяйди кимдир,
Ким эса қизгана бир парча нонни.
Қишлоқ қор сўрасанг бермайди кимдир,
Сиз лозим бўлганда берасиз жонни...



СОҒИНДИМ

Мен сени соғиндим, жулда соғиндим,
Соғиндим юзингни, кўзларингни ҳам.
Сени кута-кута ўтдай саргайдим,
Эшиттим келмоқда сўзларингни ҳам.

Мен аввал билмасдим, дийдор дамлари
Ўткинчи экан-ку, лаҳзалик экан.
Мана энди бутун ҳижрон ғамлари
Қалбимга аямай санчмоқда тикан.

Ахир бу ҳижроннинг охири борми,
Охири бормикан кўтишларимнинг?
Мен учун сен эмас, ёлғизлик ёрми,
Самараси йўқми ўтинчларимнинг?!



ОМОНЛИҚ БОБО

Омонлик бобонинг учта ўғли ҳам
Қайтмади урушдан — ҳалок бўлишди.
Лекин буқолмади уни бу алам,
Қирқ беш йил шу ғам билан олишди.

Қутто йилламади сиртида бир бор,
Нима бўлса бари ичида кечди.
Хар кунни соғинчнинг азобин тортар,
Хар кунни жулолик захрини ичди.

Қамшири дунёдан ўтди ҳасратда,
Хайҳотдан ҳовлида қолди бир ўзи.
Нининг бир илнж, умид, мақсадда —
Ўтишларин кўрса юмилмай кўзи...



* * *

Истарангиз иссиқ бунчалар,
Куйлираман дейли кўзларим.
Мунча гўзал бўлмас гунчалар,
Муболага эмас сўзларим.

Ҳар кун сизни бир бора кўрсам,
Қолмас эди юракда армон.
Ёнингизда бир умр бўлсам,
Яшар эдим бахтиёр, шодон.

Изларингиз ўпгим келади,
Туттим келар кўлларингизни.
Бу бахт менга қачон кулади? —
Билгим келар ўйларингизни.



НАВРЎЗ МУБОРАК

Бугун наганимда Наврўзи олам,
Худди келинчақдай бермоқда салом,
Хаммининг кўнглида фақат бир калом:
Наврўз муборақ! Наврўз муборақ!

Нобиндоз тўшалди ерта туллардан,
Норонлар таралди юртта улардан,
Билган сўз учали барча тиллардан:
Наврўз муборақ! Наврўз муборақ!

Сумидак қайнайди ислар таратиб,
Хаммининг ўзига бирдай қаратиб,
Бахтин куйлар дўмбирани сайратиб:
Наврўз муборақ! Наврўз муборақ!

Юраклар шодликка, сафота тўлди,
Ботлар тул атрита, сабога тўлди,
Хур юртим қувончли садого тўлди:
Наврўз муборақ! Наврўз муборақ!



КАМТАР БҮЛ

Ўзингни шер дема, не шерлар бордир,
Мардман деб мактанма, не мардлар бордир,
Кучингга бўлайма, не зўрлар бордир,
Камтар бўл, камтар бўл, камтар бўл ўғлим.

Озгина пул топиб, мен бойман дема,
Бир ховуч сув бериб, мен сойман дема,
Бир уйни ёритиб, мен ойман дема,
Камтар бўл, камтар бўл, камтар бўл ўғлим.

Бошинг кўкка етса, ҳали пастман де,
Фақатгина менинг қалбим осмон де,
Энг улуғ инсон бу олдий инсон де,
Камтар бўл, камтар бўл, камтар бўл ўғлим.



* * *

Бокқон сайин бокқим келади,
Ўл юзингга, ой жамолингга.
Сенга жула ёққим келади,
Ёвсам дейман бахт — висолингга.

Сочларингга силасам дейман,
Ўнсам дейман хуш бўйларига.
Қиёрон нима билмасам дейман,
Ўам бўлмаса ҳеч ўйларимда.



КЕЛМАДИНГ

Ҳолимни бир бора сўраб келмадинг,
Ёлингдан чиқариб юбординг буткул.
Ёр бўлмадинг, хатто дўст ҳам бўлмадинг,
Мен эса сен ҳақда ўйладим нуқул.

Юлдузга термулсам, кўзингни кўрдим,
Ойга боққанимда кўрдим юзингни.
Тунлари туш кўрсам, ўзингни кўрдим,
Ўйларда юртанда кўрдим изингни.

Сен эса келмадинг, келмадинг қайтиб,
Соғинчим сел каби юракдан тошди.
Сокин ҳаётимда йўқолди тартиб,
Кўзаримдан кўрқоқ уйқулар қочди...



ҚАЛБИНГГА КИРМОҚ ИСТАЙМАН

Мен сенинг қалбингга кирмоқ истайман,
Қалбингни иккидан кўрмоқ истайман,
Қалбингга умрбод турмоқ истайман,
Мен сенинг қалбингга кирмоқ истайман.

Чунки билюмалдим, не бор қалбингда?
Фанат «нўқ» деган сўз учар лабингдан,
Тенга етолмадим қанча талпинмай,
Мен сенинг қалбингга кирмоқ истайман.

Амр жонга тегди аросат, сароб,
Бу қолди бутунлай бўлурман хароб,
Нозуқ нўл олдим қалбингга қараб,
Мен сенинг қалбингга кирмоқ истайман.

Мингга жула олди, балки етмасман,
Мени бу орузмдан кечиб кетмасман,
Ташридан ўзга бир эҳсон кутмасман,
Мен сенинг қалбингга кирмоқ истайман.





КҮРГИМ КЕЛАДИ

Билсанг, сени соғинган дамлар,
Фақат хаёл сургим келади.
Юрагимни босади ғамлар,
Сени жула кўргим келади.

Бу ҳолимга тушунолмасдан,
Ўз устимдан кулгим келади.
Хаёлингдан қутулолмасман,
Сени жула кўргим келади.

Бавзан ситмай қоламан ерга,
Осмонларда бўлгим келади.
Дардларимни тўқаман шеврга,
Сени жула кўргим келади.

Кўзларингга термулиб узок,
Ширин суҳбат кургим келади.
Қийин экан умидни узмок,
Сени жула кўргим келади.

Ёлғиз юриш тегди-ку жонгга,
Сен-ла бирга юргим келади.
Нуқта қўйиб энди хижронга,
Сени доим кўргим келади.



ОШПОҚ ҚИЗ

Кўшнқ

О, кўшнқ опшоқ қиз, о, кўзлари чакмоқ қиз,
Бизга янаб булармикан сизга озроқ ёқмоқ, қиз,
Бизга янаб юзингизга бир бор тўйиб боқмоқ, қиз,
О, кўшнқ опшоқ қиз, о, кўзлари чакмоқ қиз.

О, кўшнқ опшоқ қиз, о, кўзлари чакмоқ қиз,
Бизга янаб булармикан сизга озроқ ёқмоқ, қиз,
Бизга янаб юзингизга бир бор тўйиб боқмоқ, қиз,
О, кўшнқ опшоқ қиз, о, кўзлари чакмоқ қиз.

О, кўшнқ опшоқ қиз, о, кўзлари чакмоқ қиз,
Бизга янаб булармикан сизга озроқ ёқмоқ, қиз,
Бизга янаб юзингизга бир бор тўйиб боқмоқ, қиз,
О, кўшнқ опшоқ қиз, о, кўзлари чакмоқ қиз.

О, кўшнқ опшоқ қиз, о, кўзлари чакмоқ қиз,
Бизга янаб булармикан сизга озроқ ёқмоқ, қиз,
Бизга янаб юзингизга бир бор тўйиб боқмоқ, қиз,
О, кўшнқ опшоқ қиз, о, кўзлари чакмоқ қиз.





ЮЛДУЗЛАР

Юлдузлар йироқсиз, жуда йироқсиз,
Учқур хаёллар ҳам сизга етмайди.
Сизлар саноғи йўқ, ўчмас чироқсиз,
Шўлангиз тафти йўқ, бизга етмайди.

Хаттоки қуёшдан улкансиз, бироқ
Йироқлик ўртада пани беради, пани.
Дўстлар бир-биридан бўлганда йироқ,
Оқибат ва меҳр қамайган монанд.



СЕНИ КЎРСАМ

Нега сени кўрсам титраб кетаман,
Нега вужудимда қурийдим сабот?
Қуёшнинг қуш қаби айраб кетаман,
Қуёшнинг гўзал кўринар ҳаёт.

Амир биламан-ку, ҳаммаси бекор,
Ҳаммаси тулган, севги ҳам абас.
Деким сени кўрсам қулайди девор,
Гўёки ҳеч нима юз берган эмас.



ҚИШЛОҒИМ

Кўшиқ

Сен борсан, мен бордирман,
Шодон, бахтиёрдирман,
Омашларга ёрдирман,
Тенгсиз ошиён қишлоғим.

«Қоратош» — катта тошсан,
Қадимийсан, ҳам ёшсан,
Меҳрта кон кўёшсан,
Бағри осмон қишлоғим.

Бутун сендан йироқман,
Қийналаман фироқдан,
Сенга чопган ирмоқман,
Буюк уммон қишлоғим.

Баҳорда паридайсан,
Меҳмондан аримайсан,
Хавоси доридайсан,
Дарлга дармон қишлоғим.

Кетаяпман соғиниб,
Борадурман сиғиниб,
Юрай кўксим тоғ қилиб,
Бўлтиг омон қишлоғим.

Ўзинг кўшиғимсан

Меннинг дунёдан излаб топганим,
Меннинг дардида дилни ёққаним,
Меннинг хуснига тўймай боққаним,
Ўзинг тузғилимсан, қоши қаламим.

Меннинг сочини қирқта ўрарим,
Меннинг тушимда ҳар тун кўрарим,
Меннинг тангридан ҳар кун сўрарим,
Ўзинг қувончимсан, ўзинг аламим.

Меннинг кўзлари чўлпон, сузутим,
Меннинг кўлимдан қўймас узутим,
Меннинг ҳаммадан ўзи тузутим,
Ўзинг ҳаётимсан, ёруғ оламим.

Меннинг интилган юксак осмоним,
Меннинг энг азиз, суюк инсоним,
Меннинг ягона, буюк армоним,
Ўзинг кўшиғимсан, ўзинг ўланам.



ШТАНГАЧИ

Штанга, сен — умрим маъноси,
Бахш этганман бутун борлигим.
Сен — темир, мен — инсон боласи,
Сезмайдирман бу йироқликни.

Хатто тушларимда кўраман,
Хаёлимни айлагансан банд.
Сенга кўшиб кўтарадирман,
Ватанимнинг шонини баланд.



ОВОЗ

О. Назарбекова

Сўвга тушганданок эрий бошлар туз,
Пўлат ўтда эриб оқар мисли сой.
Кўёнинг тафтида эрийди қор, муз,
Саҳар оғушида эриб кетар ой.

Қор ё муз эмасман — кунда эриган,
Пўлат эмасдирман ёки ой мижоз...
Минг бора янграса минг бор эрийман —
Ишқнинг тасвирини чизолган Овоз.





БОЛАЛИКНИ КЎМСАБ

Болалик, мен сени ҳар кун кўмсайман,
Йиғлагим келди сени эласам.
Соғинча чидолмай унсиз бўзлайман,
Ахир нима қилай йўқлаб келмасанг.

Сен каби онам ҳам ёнимдан кетди,
Фироғида энди дилни тиглайман.
Фарёлим кўкларга — худота етди,
Бу кенг дунёга баъзан сиймайман.

Болалик, кўллагил, ёнимга қайтиб,
Ташвишсиз дамларга яна бир қайтар.
Ўшанда онам ҳам аллалар айтиб,
Ойдин кечаларда мени ухлатар.



КЕЧИКИБ УЧРАШДИК

Ниҳоят учрашдик, учрашди кўзлар,
Ўтиб қанча баҳор, қанча ёз, кузлар,
Эримасдан қолди юракда музлар —
Не учун кечикиб учрашдик бизлар?!

Вақтида топишсак нима бўларди,
Сенинг ҳам, менинг ҳам бахтим куларди,
Тўлмаган кўнгли ҳам охир тўларди —
Не учун кечикиб учрашдик бизлар?!

Энди сен у ёнда, мен бу ёндаман,
Гўёки сен ерда, мен осмондаман,
Сен мангу қийноқда, мен армондаман —
Не учун кечикиб учрашдик бизлар?!





ШОИР ВА ҚАЛЛОБ

Шоирнинг шеърлари кўп,
Чўнтақлари бўш фақат.
Қаллобнинг зарлари кўп,
Ўйлагани машшат.

Шоир элим деб ёнар,
Кўйинади юртим деб.
Қаллоб эса қувонар,
Катта фойда кўрдим деб.



МУНОФИҚ

Бол каби ширин тили,
Лабида кетмас ханда.
Кўксида турар кўли,
Хар доим кўришганда.

Аммо унинг юраги
Қорадир кўмирдан ҳам.
Яхши эмас тилати,
Қувонар кўрганда ҳам.



* * *

Яшайсиз бепарво, лоқайд,
Умрингизнинг охири йўқдай.
Бир кун келиб ўч олади вақт,
Санчилади юракка ўқдай.

Пушаймонлар қиласиз у дам,
Ҳайқирасиз: «Бахт йўқ дунёда!»
Бахтга эса қолар бир қалам,
Босолмайсиз — вақт йўқ дунёда.



* * *

Тилка-пора қилдинг қалбимни,
Умидларим айладинг рўё.
Хувиллатиб кетдинг бағримни,
Тушгандайман дўзахга гўё.

Аяманинг заррача бўлсин,
Уйғонмади қалбимда шифқат.
Не бўлсам, ёр, бахтинг кулсин,
Қилолмайман қайгунгга тоқат.





МЕНИ АНГЛАМАГАН ДҶСТ

Мен севгимга алвидо айтдим,
Кечир дедим қилган хатомни.
Ўз ҳолимга мен яна қайтдим,
Йўқотдим энг азиз одамни.

Ҳеч қачон у мени севмаган,
Агар севса бундай бўлмасди.
Билмадим, у нени ўйлаган,
Мен унга тикилиб тўймасдим.

Энди бари тушга айланди,
Тушунини истамади у.
Бошдан учган қушга айланди,
Бегонамиз биз энди мангу.

Йўқотмади балки ҳеч нима,
Аввалтидай бекаму кўстлир.
Тенгламасман уни ғанимга,
Мени англаб етмаган дўстлир.



* * *

Учрашмагай тоғлар ҳеч қачон,
Бизлар эса учрашдик, лекин
Ишқ боғида қучолмаймиз шон,
Бошлар боғлиқ, эмасмиз эркин.

Ақл бизни олар измига,
Бўйсинамиз иложсиз, ночор.
Киролмаймиз юрак сўзига,
Бахтимиздан гарчи сўз очар...



Эй, осмондан тушган фаришта,
Дучор этдинг не баюларга?!
Аямасдан ўтга ташладинг,
Кайта борай, айт, даволарга?!

Давоси йўқ энди, биламан,
Бир умрга ғамга ошнаман.
Ўз-ўзимга хайрон қоламан,
Дийдорингга нега ташнаман?



ЗОР БЎЛДИМ

Кўлиқ

Кўзимнинг қораси — сен,
Ўзашлар сараси — сен,
Дардларим чораси — сен,
Дийдорингга зор бўлдим.

Тилимда, ўйимда — сен,
Тушимда, ўнгимда — сен,
Жон каби кўнглимда — сен,
Дийдорингга зор бўлдим.

Сувсиз қолган гулдайман,
Очилиб бир кулмайман,
Келармисан? Билмайман,
Дийдорингга зор бўлдим.



ЎТГАН ДАМЛАР

Ўтган тотли дамлар ортга қайтмайди,
Қайтмайди улардан олинган лаззат.
Лекин ҳеч бир нарса беиз кетмайди,
Ширин хотирага айланад албат.

Эй, гўзал малагим — ширин хотирам,
Бугун бетонамиз — ишонгим келмас.
Вақтни қайтармоққа илож йўқ сира,
Бизни ҳам орқага қайтариб бўлмас.



ИШОН

Менга шуёҳа билан қарама дўстим,
Ҳар қандай дамда ҳам сен менга ишон.
Ёлгон деб ўйлама бу айтган сўзим,
Ҳиёнат қилмасман сенга ҳеч қачон.

Балки ёлгонлардан чарчатандирсан,
Ҳаттоки қатиқни ичарсан пуфлаб.
Аммо ҳали мендан кечмагандирсан,
Қалбингга ишончини оларсан тиклаб.





* * *

Кузгуда оқарган сочингни кўриб,
Этила бошлаган лошингни кўриб,
Шашти суст юрагинг — лочинни кўриб,
Ёшлик ўтанини сезиб қоласан.

Орда қолган умр — изларга қараб,
Ўтган қанча баҳор, кузларга қараб,
Бепарво қараган қизларга қараб,
Ёшлик ўтанини сезиб қоласан.

Кеча бола эдинг, буғун каттасан,
Кеча фарзанд эдинг, буғун отасан,
Гоҳида минг турли ўйга ботасан,
Ёшлик ўтанини сезиб қоласан.

Чопаетган соат милига боқиб,
Ўтган ҳаётингни қиларсан таъқиб,
Ўзингни армонлар ўтда ёқиб,
Ёшлик ўтанини сезиб қоласан.



ТОШКЕНТИМ

Шарқнинг дурдонаси дейдилар сени,
Қанча улғу зотлар суйдилар сени,
Юракка ишқ каби туйдилар сени,
Тошкентим, бош кентим, ёш кентим ўзинг.

Фафур Гулом, Ойбек кўз очди сенда,
Қодирий мозийдан сўз очди сенда,
Гўзал Кумуш кулиб юз очди сенда,
Тошкентим, бош кентим, ёш кентим ўзинг.

Бағрингда танилим ўзингим, ўзим,
Дунёни қайтадан кашф этди кўзим,
Шеър бўлиб куйилди дилдаги сўзим,
Тошкентим, бош кентим, ёш кентим ўзинг.

Истиқлол туфайли бут бўлди бахтинг,
Хуш, шодон ўтмоқда ҳар лаҳза, вақтинг,
Доим гуллаб яшна, азиз пойтахтим,
Тошкентим, бош кентим, ёш кентим ўзинг.



ДУНЁ — ДАРАХТ

Дунё — дарахт, боғбони инсон,
Бу азалдан қолган ақида.
Бу дарахтнинг сўлмоғи осон,
Қайғурмасак унинг ҳақида.

Бу дарахтнинг ҳар битта барги
Нур сўрайди, меҳр сўрайди.
Агар кимнинг тозадир қалби,
Уни фақат гулга ўрайди.

МУАММО

Дилда орзулар мўл, ушалса эди
Ё кўнгли улардан кечолса эди.
Шу тахлит бу умр ўтиб бормоқда,
Ақл муаммони ечолса эди.



АЛВИДО

Бас, етар шунчалар паст тушганларим,
Ўзимни ерларга урганларим бас.
Ширин сўзларингга, бас, учганларим,
Қошингга ёлвориб турганларим бас.

Наҳот кимлигингни мен энди билдим,
Наҳот англамадим сароблигингни?
Нима қилган бўлсам ўзимга қилдим,
Англадим ичганим зардоблигини.

Тан олмоқ нақадар қийин ва оғир,
Оғир, суйганингга алвидо айтмоқ.
Оғир, дил ҳислардан қолганда сатир,
Манзилга етмасдан орқага қайтмоқ.

Мен барибир сени севаман, нетай,
Сўнмас кўёш экан севги дегани.
Мен энди ёнингдан бир умр кетай,
Тиниқ осмонларга кўнгли бергани.





ҲАҚИҚАТ СИНМАС

Футбол бўйича ёшлар ўртасида
Осиё чемпионатидаги Ўзбекистон
ва Хитой терма жамоаларининг
ўйинини кўриб

Ҳақсизликка дуч келдик яна,
Аммо уни ентиб ўтолдик.
Яна бизлар қилдик тантана,
Манзил томон олға кетолдик.

Ҳақиқат букилар, лек синмас,
Билиб кўйинг бунни, ҳакамлар!
Ўзбегим ёшлари ентилмас,
Унутмангиз шунни, ҳакамлар!



ВАТАН ТҮЙГҮСИДАЙ АЗИЗ ТҮЙГҮ ЙЎҚ

Туркум

1
Ватанга илмимиз — онгни берамиз,
Умрини бағишлаймиз — онни берамиз.
Жўшқин меҳри билан улғайиб, ўслиқ,
Алар керак бўлса жонни берамиз.

2
Ватанни шунчаки суйиб бўлмайди,
Меҳру дийдорига тўйиб бўлмайди.
Накадар азиз у, тенгсиз, бебаҳо,
Ўрнига ҳеч нени қўйиб бўлмайди.

3
Ватансиз инсонга баҳор татимас,
Ёришган ошпоқ тонт — саҳар татимас.
Яримта кўнглини бўлмас тўлдириб,
Неки гўзаллик бор, зинҳор татимас.

4
Кўзимга сураман ватан гардини,
Юракка туяман ватан дардини.
Юрсам ҳам беҳишту Боғи Эрамда,
Соғиниб қоламан ватан бағрини.

5
Бола кулгусидай ширин кулгу йўқ,
Ватан туйгусидай азиз туйгу йўқ.
Оллоҳим, юртимни сақла безавол,
Ватан қайгусидай улкан қайгу йўқ.

6
Ватан тақдирини ўйласанг — савоб,
Ватан шухратини кўйласанг — савоб.
Ватан туپроғини жондайин асраб,
Ҳар бир қаричини гуллатсанг — савоб.

7
Ватан билан бир жон, битта танамиз,
Чунки у бизларнинг суюк онамиз.
Она қарзин ўзмоқ фарздир фарзандга,
Унинг бахти дебон кўйиб, ёнамиз.

8
Умр ўткинчидир, умр — бебақо,
У ҳали ҳеч кимга қилмагай вафо.
Лекин ватан мангу, ватан собитдир,
Солиқ фарзандларни унутмас асло.

9
Тугилган маскани чўлми ё бўстон,
Инсон учун бунинг йўқ асло фарқи.
Мухими: ватандир шу еру осмон,
Унинг баҳоси йўқ, йўқ унинг нархи.

10
Парижни кўрмадим — бу армон эмас,
Бадавлат бўлмадим — бу армон эмас.
Бахтиман, Ватаним, бағринда яшаб
Меҳринга қонмадим — бу ёлғон эмас.

11
Ватаним кўкдаги қушдай озоддир,
Озод ўлка эса доим ободдир.
Бу дамларга етган, етмаганлар бор,
Англадим, озодлик — бахт, саодатдир.

12
Чин боғбон юртини гулга буркайди,
Чин зиёли эса нурга чулғайди.
Чиннакам фарзанднинг кўпайсин, юртим,
Улар шавъининг ҳеч ерга урмайди.

13
Ватан дийдорига ҳеч бир тараф йўқ,
Ватан хизматидан улғу шараф йўқ.
Иллама дунёдан, юртини сўймас
Ўзбек, қозоқ, қирғиз, ҳинду араб... йўқ.

14
Дунёда минг битта кассаллик — дард бор,
Уларнинг барчаси келтиради ғам.
Аммо бахтиёрлар ичра бахтиёр,
Ватан дарди билан яшаган одам.

15
Шундай одамлар бор: сўзлари — майда,
Ўйлагани фақат еб-ичиш, фойда.
Қилибди жўш урмас ватан тўйғуси,
Улар ватангамас, нафсига шайдо.

16
Бизнинг бойлигимиз бу кун ҳурлиқдир,
Ҳеч қачон бўзилмас метин бирлиқдир.
Бу бойлиқка кимки олайтирса кўз,
Унинг касоби зулм, ўйи қулликдир.

17
Бу кун Ўзбекистон дунёга чиқди,
Зулматдан қутулиб, зиёга чиқди.
Унинг бўй-бастини кўрди кенг жаҳон,
Қулпугу истибдод рўёга чиқди.



18

Йўл бизни чўчитмас — қарвонимиз бор,
Мустақил, озодмиз — давронимиз бор.
Манзилга етурмиз бир куни албат,
Ахир биз бирдаммиз — имконимиз бор.

19

Ватаним байроғи ҳилпираб мағрур,
Бу мента бахш этар шодлик ва ғурур.
Бу байроқ миллатнинг шон, ифтихори,
Унга фидо бўлса арзийди умр.

20

Ҳар кимнинг ватани ўзига азиз,
Мисоли жонидай, кўзидай азиз.
Дунёда мен учун юрғу миллат йўқ,
Ўзбекистонимдай, ўзбекдай азиз.



ЮРАК БИР ЖАННАТДИР...

1

Юрак бир содирки, чалмоқ осонмас,
Юрак бир жаннатдир, бўлмоқ осонмас.
Энг кучли кўшиннинг етмағай кучи,
Юрак бир қалъадир, олмоқ осонмас.

2

Юракнинг измига кирмайли ақл,
Ақлнинг сўзига юрак дер: «Мавқул».
Наҳот ожиз бўлса юрак ақлдан,
Тўғри жавоб топғай бунга қай оқил?

3

Кувонсак юракнинг димоғи чоғдир,
Салгина ғам чексак у санчар, оғдир.
Биз билан кулар у, биз билан йиғлар,
У шундай беминнат, содиқ ўртоқдир.

4

Кўрганда юрагинг жиз етмаса ғар,
Кўзингга ишонма, у сени алдар.
Юракдан бошланар муҳаббат йўли,
Ҳиснат қилмайди дилдан севганлар.

5

Минг гўзал бўлса ҳам одамнинг юзи,
Қошлари, сочлари, сўзлари, кўзи.
Юрати бўлмаса атарда гўзал,
Эътибордан қолғай ўзидан ўзи.

6

Кўз кўрқоқ дейдилар — бу гапда жон бор,
Кўл ботир дейдилар — кўлда имкон бор.



Лекин ботир бўлсин аввало юрак,
Юраклар чўчитан юртда армон бор.

7

Уйинг тор бўлса ҳам кент бўлсин юрак,
Шоҳу талота бир, тент бўлсин юрак.
Номардлар олдида бўй этмасин у,
Мардларга пой-патак, енг бўлсин юрак

8

Тилатим, қордан ҳам оқ бўлса юрак,
Чашмадан ҳам тоза, пок бўлса юрак.
Тушмаса қанийди унга зарра доғ,
Мисли куёш бўлса, моҳ бўлса юрак.

9

Кесака ўхшайди дардсиз юраклар,
Ҳар нарсага лоқайд, фарқсиз юраклар.
Балки улар соғом, оғримас бир бор,
Аслида аянчи, бахтсиз юраклар.

10

Юрак на сўйлайди, на ёш тўкади,
Унинг бор дардлари тубта чўкади.
Чилдам саботда тенги топилмас,
Ҳаққа элтар йўл ҳам ундан ўтади.



ДЎСТЛИК РУБОЙЛАРИ

1

Елғизлик азалдан инсоннинг ёви,
Чунки у умрининг занги, этови.
Ёнингда ҳамроҳинг бўлса бошқа гап,
Қалбнингги илтир дўстлик олови.

2

Ёвнинг биттаси ҳам кўплик қилармиш,
Пайт пойлаб, тиг билан кўксинг тилармиш.
Дўстнинг мингтаси ҳам бўлар эмиш кам,
Бирови камайса, кўнгли йиғлармиш.

3

«Бойлигим йўқ», дея ғам чекма кўнгли,
Бекорта эзilib, ёш тўкма кўнгли.
Ахир атрофингда қанча дўстлар бор,
Ўшалар бойлигинг, ҳеч чўкма кўнгли.

4

Дўстликнинг минг битта шартлари бордир,
Дўстларнинг номарди, мардлари бордир.
Кимдир дўстларидан бўлса шод, рози,
Кимнингдир дўстидан дардлари бордир.

5

Битмаган иш битар, дўстлар кўлласа,
Бошдан ташвиш кетар, дўстлар кўлласа.
Умр фасллари ҳамisha ёзмас,
Ўтмаган қиш ўтар, дўстлар кўлласа.

6

Ҳисобли дўст бўлса, айрилмас сира,
Шубҳа, гумонларга берилмас сира.

«Сен мендан қарздор, бурчлисан» дея,
Турунгларда ёлгон керилмас сира.

7

Дўстлик тилда эмас, дилда яшайди,
Таъма нелигини билмай яшайди.
Зарра хиёнатни кечирмайди у,
Олчоқларга шафқат қилмай яшайди.

8

Қозоқ, қирғиз, туркман, тожигу, ўзбек,
Узукка кўйилган гавҳари кўздек.
Бир заминда яшар кўзни қувнатиб,
Гуноҳга ботар, ким бўлса бузғудек...

9

Дунёда содиқ дўст топмадим дема,
Манзилга етади интилса кема.
Ўзинг содиқ бўлмай туриб, эй кўнгли,
Содиқ дўст ахтариб, бўлма хомтама.

10

Энг бахтиёр одам, дўсти кўп одам,
Бахт, омад ёр одам, дўсти кўп одам.
Эртақлаги марддай енгилмас муллоқ,
Шон, зафар ёр одам, дўсти кўп одам.



ШЕЪРНИНГ ЗЎРИ ТўРТ САТР

Дунёда онадай дўсту ёр бўлмас,
Онадан ҳеч нима устувор бўлмас.
Дуотўй онаси бўлган одамнинг
Толеи тўқисдир, асло хор бўлмас.

Таъма нелигини билмаган одам,
Имонга хиёнат қилмаган одам,
Муҳтожларга айлаган ёрдам,
Бошим эгик қошингда ҳар дам.

Гоҳ бир кунда тўртта фасл намён:
Табиатга ярашади турланиш.
Аммо инсон турланса-чи, бу ёмон,
Дўст тутинсанг, чаён бўлиб ураб ниш.

Қуларини юммасдан ёлгонни дўндирди у,
Нифесини тирилтириб, виждонни ўлдирди у.
Кўнглида оллоҳ учун жой қолдими, билмадим,
Чунки дилни гуноҳ билан лиммо-лим тўлдирди у.

Энг яхши билганинг шу: гуноҳдан савобинг оз,
Берадга саволинг кўп, топарга жавобинг оз.
Ўқинчи дунё фами билан оворадир дил,
Нотутал мусулмонсан, оллоҳга тавобинг оз.





* * *

Яшмоқлик қанчалик ширин,
Барг узилгинг келмайди шохдан.
Йўқ, йўқ, бунда ҳикмат яширин —
Абдо жой йўқ ватандан бошқа.

* * *

Эй йўловчи, ўтирган жойинг,
Тўнка дея ўйлама сира.
У — минг йиллик қадим чинорни
Эслатувчи ёлғиз хотира.

* * *

Кўлинг доғ бўлса гар, кетади ювсанг,
Очилмаган бахтинг ажабмас очилса.
Юзинг шувит бўлса ёруедир бир кун,
Кўнглинг қора бўлса, чора бормикан?

* * *

Бир-бирини суяйди тоғлар,
Ҳиёнатни билмайди тоғлар.
Кўшнни тоғда очилса лола,
Ҳасад ила куймайди тоғлар.

* * *

Ўшшама булуту шамолга зинҳор,
Бирида эрк йўқдир, бирида қарор.
Куёш, ой, толдуга ўшшасанг қани,
Мен тутул бутун эл бўлар минниатдор.



* * *

Йўлбарслар кичрайиб мушукка дўнмиш,
Тоғсиз бўри зоти кучукка дўнмиш.
Кўркувдан кўрқокнинг юзлагига хол,
Ишонинг, ишонманг, учукқа дўнмиш.

* * *

Дилимда дард — ишқ бор, давоси қани?
Тилимда кўшиқ бор, навоси қани?
Боғимда муаттар бир гул очилди,
Бўйин таратарга сабоси қани?

* * *

Асал деб ўйлайсан, захар чиқади,
Олдий тош деганинг гавҳар чиқади.
Куздан сўнг қархатон қишни кутасан,
Қошингдан гул сочиб баҳор чиқади.

* * *

Нима тошпан бўлсанг — тилингдан тошпунг,
Нени излар бўлсанг — элингдан тошпунг
Отао онангта не қилар бўлсанг,
Аввало қизингдан, ўлингдан тошпунг.

* * *

Ортидан қувандим, бахт тура қочди,
Ҳаёт ҳам аямай захрини сочди.
Кўшнни силтаб, ўзни меҳнатга урдим,
Бахтнинг ўзи келиб бағрини очди.





Ўғрилар ҳам ҳар хил бўлади,
Ўғирласа бири бахтингни,
Яна бири пул ўғирлайди,
Бири эса азиз вақтингни.

Тан олгинг келмаса муваффақиятимни,
Кувониш келмаса агар кўлингдан,
Кўнглингга туғмагил қора ниятни,
Харсанг тош мисоли чикма йўлимдан.

Одамнинг феълида ҳар хиллик ёмон,
Ўзгаларга ҳасад, бахиллик ёмон.
Дўст билан душманинг ўрталарида
Кўзлар илғаб бўлмас аҳиллик ёмон.

Рад этдингми севгимни? — йўқ, йўқ,
Ё демалинг бирон аччиқ сўз.
Юрагимни поралаган ўқ —
Ҳақиқатни айтаётган кўз.

Менинг нафратимдан қочшинг осон,
Юзимга қаҳрингни сочининг осон.
Лекин эҳтиёт бўл, оллоҳ бор ахир,
Ундан қочолмаган ҳали ҳеч инсон.



Кўп ёлғон сўзлардинг, сезиб турардим,
Нимани кўзлардинг, сезиб турардим.
Сўзлашга оғзингни очганинг заҳот,
Яна ёлғонми деб, безиб турардим.

Шухрат. Насиб бўлмади бу бахт,
Оқибатда шу бўлди ўйи.
Юксалмасин қанчалик дарахт,
Етмас экан кўёшга бўйи.

Кўёшининг тафтини соя билади,
Тўлқин қудратини қоя билади.
Онанинг лаҳзада торган азобин,
Фарзанд қайдан билсин — доя билади

Яхшилар бор жойда ёмон топилар,
Орзу ушлаган чоғ армон топилар.
Юрагинг дард билан оғритган маҳал,
Уни олмоқ учун дармон топилар.

Ҳаёл каби бахтнинг чегараси йўқ,
Ҳеч қачон инсоннинг кўнгли бўлмас тўқ.
Оламда ҳар доим бир нарса камдир,
Келиб теккинуча ажал номли ўқ.





* * *

Сенга ачинаман,
сендан нафратланаман —
Кўзлари чўнтакка
айланган одам.

* * *

Не учун одамлар тапирар ёлгон,
Ёлгон мерос бўлиб кимлардан қолган?
Ахир, тўғри сўздан яхшиси борми,
Ёлгондан доимо юз қора бўлган.

* * *

Куёш гўёки она,
Меҳри-да бизлар тирик.
Шу сабаб бўлибми ё
Боқмасмиз юзига тик.

* * *

Кеккайтганлар юзингга ҳеч қарамайди,
Айримларнинг қабогидан қор аримайди.
Ҳаёт экан, кўрдим шундай инсонларни:
Салом берсанг, алиққа ҳам ярамайди.

* * *

Булбул тилга кирар пулни кўрганда,
Эшак шод бўлади кулни кўрганда.
Баъзиларни кўриб хайрон қоламан,
Имондан кечали пулни кўрганда.



* * *

Агар сув бўлмаса, талқон не ҳожат,
Душманинг бўлмаса қалқон не ҳожат.
Хар битта сўзингни эшитгай тангри,
Ўзгани алламоқ, ёлгон не ҳожат.

* * *

Туғилган кунимиз, йилимиз бошқа,
Фаросат, ақлимиз, илмимиз бошқа.
Бармоқлар бир эмас, лекин бўлмасин
Тилимиз бошқаю дилимиз бошқа.

* * *

Бир ўзим шод бўлсам, менга еттайму,
Бор ғаму ташвишлар дилдан кеттайму?
Йўқ, асло! Шод бўлсин дунёда ҳамма,
Ягона гишт билан бино биттайму?

* * *

Тиллони еб бўлмас қорин очганда,
Нон қувват бўлади дармон қочганда.
Дўст билан душманинг фарқига борсанг,
Соғ-омон қоласан тўфон кўчганда.

* * *

Манфаат бўлмаса бўлмас ҳаракат,
Ҳаракатсиз эса йўқдир баракат.
Фақат манфаатни кўзлаганларнинг
Топпани бахт эмас, бўлар ҳалокат.





Кош кўяман дея кўз чиқарди,
Кимхоб тўқидим деб бўз чиқарди.
Шоирликка даво қилди, лекин
Китоб эмас, кўрук сўз чиқарди.

Жаҳл чиққан пайтда ақл қочармиш,
Нодонлар бор жойдан оқил қочармиш.
Ёқамни ушладим минг тавба дея,
Сахий кўл узатса, бахил қочармиш.

Ҳамма рост сўзласа, нима бўларди?
Бу дунё шодликка, бахтга тўларди.
Минг афсус, бу ишта қонир эмасмиз,
Биз ҳали муқаммал, қобил эмасмиз.

Биз исроф қиламиз аямай вақтни
Ва кўлдан чиқариб кўямиз бахтни.
Лекин ҳар доим ҳам эслайвермаймиз,
Бизга синов учун вақт берган Ҳақни.

Ўрик деганлари содда бир дарахт,
Алданар февралнинг илик тафтига.
Уйқудан уйғонар, гуллайди бевақт
Ва зомин бўлади гуллар бахтига.

Гўзаллар ёқади ҳамматга,
Келди уларга ёққимиз.
Бавзида етади худота,
Бавзида етмайди оҳимиз.



Кўзимга бир киши хунук кўринди,
Ҳамроҳининг юзи тиниқ кўринди.
Кейин суҳбатлашдим иккови билан,
Хунуги Сукротдек улуг кўринди.

Осмонга туфлама, юзингга қайтар,
Ёмонлик айлама, ўзингга қайтар.
Яхшилик қилавер, сента қайтмаса,
Ўғлингга қайтди, қизингга қайтар.

Қимирлаган қир ошар эмиш,
Ўз бахтига йўл очар эмиш.
Кимки меҳнат қилишдан қочса,
Ундан омал, бахт қочар эмиш.

Ҳокимликни эгаллаган вақт,
Чиқарибди шундай бир фармон:
«Интилганга улашман бахт,
Улашман лоқайдагга армон».



ХАЛҚ ОҲАНГЛАРИДА

1

Юлдузлар саноғи йўқ,
Санама, адоғи йўқ.
Севги қаттиқ қўл устоз,
Бир осон сабоғи йўқ.

2

Ишқда фироқ бўлмаса,
Ёринг йироқ бўлмаса.
Висол бир дентиз бўлиб,
Унда кирроқ бўлмаса.

3

Чақмоқ чаққанда кўринг,
Кўкни ёққанда кўринг.
Ёринг хумор кўзларин,
Бизга боққанда кўринг.

4

Осмондаги каптарми,
Кўлингдаги дафтарми?
Унда нелар ёзилган,
Юракдаги тапшарми?

5

Кўзларинг сузук кўрдим,
Кўлингда узук кўрдим.
Очмадим юрагини,
Ўзгани тузук кўрдим.



6

Олча гули оқ бўлар,
Ошиқ кўнгли пок бўлар.
Ёнимда бўлсанг жоним,
Фариб кўнглим чоғ бўлар.

7

Тоғнинг доласи яхши,
Қошнинг қораси яхши.
Минг танлаб сени суйдим,
Ёринг сараси яхши.



ҲАЁТ САБОҚЛАРИ ЁКИ ЎЎЛИМГА ДЕГАНЛАРИМ

Туркумдан

1

Кунлар ўтаверар қувиб бир-бирин,
Ташлаб улгурмайсан ҳатто кўз қирин.
Не учун туғилди? Яшадиге не?
Лоқайдлар англамас буларнинг сирин.

2

Ким сента ишонса, ишончин оқла,
Ҳиёнат айлама, обрўйинг сақла.
Ишонч бу дунёда муқаддас туйғу,
Топтасанг, ҳаётинг ўтади оқ-ла.

3

Синалмаган дўстни дўст деб бўлмайди,
Синалган дўст асло кўзинг ўймайди.
Худбин кимсалардан дўст тутинмагин,
Ҳар қандай дамда у ўзин ўйлайди.

4

Сен бойлик тўплама, йиккин дур—илм,
Бойлик бу ўткинчи, мангудир илм.
Ҳою-ҳавасларнинг охири бўлмас,
Уларга инсоннинг жангидир илм.

5

Одамлар кўзига тик қарай билгил,
Уларнинг корига ҳам ярай билгил.
Элнинг назаридан қолмоқлик ёмон,
Тўғрилиқ умрингга зеб, чирой билгил.



6

Кўзлар бор: кўп бежо, ўйнаб турали,
Кўзлар бор: хотиржам, ўйлаб турали.
Авадло юзтамас, кўзларга боққил,
Инсоннинг кимлигин сўйлаб турали.

7

Аллаҳим деб шодланма зинҳор,
Йўқ, алдайсан ўзингнинг ўзинг.
Энди сента ишонмас такрор,
Ҳаволарга учали сўзинг.

8

Очиқ бўлсин кўлинг доимо,
Очиқ бўлар йўлинг доимо.
Сахийларни суяди оллоҳ,
Суйикли зот бўлгин доимо.

9

Кўзларга тик боқиб яшагил,
Юратингни ёқиб яшагил.
Ҳақиқатни айтишдан кўрқма,
Лек худодан кўрқиб яшагил.

10

Сўз бердингми, сен уни бажар,
Қадрсиздир кесмаса ханжар.
Лоф урмоқдан тийгил ўзингни,
Хоҳ гадо бўл, хоҳ бўлгил тождор.





11

Қайгу емиради инсон танини,
Ғазаб қайнатади унинг қонини.
Энг оғир дардини ҳам енгитиши мўмкин,
Ёрнинг хиёнати олар жонини.

12

Инсонни улуглар мардлик, жасорат,
Қамолга етказар билим, фаросат.
Бу фазилатлардан йироқ бўлганинг,
Чеккани пушаймон, умри аросат.

13

Уйинг тоза бўлсин, ҳовлининг тоза бўлсин,
Қўлинг тоза бўлсин, кўнглининг тоза бўлсин.
Қадамнинг остидан чиқмасин хазонлар,
Йўлинг равон бўлсин, йўлинг тоза бўлсин.

14

Ўзингни яхши санаб, ўзгани ёмон дема,
Ўзингни доно биллиб, ўзгани нодон дема.
Кибу хаво қилма ҳеч, кўкка етса-да бошинг
Қамтар бўлмасанг агар, ўзингни инсон дема.



СЕН МЕНИНГ ГУЛЛАРДАН ЯХШИ ГУЛИМСАН

Туржум

1

Мен сени севаман, сўзларим чиндир,
Мен сени ўйлайман — кундуздир, тундир.
Аммо сен баридан беҳабардурсан,
Ўзим айтмай десам, тилларим тундир.

2

Ўзимга беқийс ишонч бахш этдинг,
Дилимга ҳеч сўнмас қувонч бахш этдинг.
Дунёга келгансан бахтимга менинг,
Муҳаббатдай буюк қуёш бахш этдинг.

3

Сен бўлмаганингда қандай яшардим? —
Қайғудан чиқмаган қалбдай яшардим.
Сабрининг косаси лиммо-лим тўлган,
Эркини кўмсаган халқдай яшардим.

4

Бағрим эзсалар ҳам мен сени дейман,
Тилим кессалар ҳам мен сени дейман.
Танимни тулроққа кўмсалар ҳатто,
Бўлиб гул, майсалар, мен сени дейман.

5

Ёнингдлати ариқ — мен, қадрсиз этма,
Кўйингдла ғамга ғарқ — мен, қадрсиз этма.
Киш, баҳор, ёз ўтди, куз келди, қара,
Пойингдла сариқ барг — мен, қадрсиз этма.



6

Истасанг дарёдаи кечайин, жоним,
Истасанг бургутдай учайин, жоним.
Мени унутти деб айтмагил ҳаргиз,
Ундан кўра заҳар ичайин, жоним.

7

Ноз билан қарашинг танга даводир,
Ҳатто қарғишинг ҳам мента дуодир.
Дуру жавоҳирлар даркор эмас ҳеч,
Ёнимда яшашинг улкан дунёдир.

8

О, сен чиройлисан, ҳамма қарайди,
Ҳуснингни кўрган куш ногоҳ сайрайди.
Кӯёш ётоғига кетиси келмас,
Кечгача сендан ҳеч кўзин олмайди.

9

Сенга кўзи тушган ҳайратда ёнар,
Армони қолмайди — бахтиёр бўлар.
Унутар дунёнинг баланд-пастини,
Дили покланади — беғубор бўлар.

10

Фироқингда дилни ҳар кун тиглайман,
Ором не, уйку не? Ҳануз билмайман.
Кундуз кӯёш кулар, тунда эса ой,
Биргина мен шўрлик дилхун — кулмайман...

11

Сен менинг гуллардан яхши гулимсан,
Ҳаётим безати, нақши, гулимсан.
Кулдиранг ҳам, йиғлагсанг ҳам шеър ёздим,
Сен туфайли бўлдим бахши, гулимсан.

158



12

Сени мендек сўёлмас ҳеч ким,
Сенга мендек кўёлмас ҳеч ким.
Яхши-ёмон кунларингда ҳам
Мендай яқин бўлолмас ҳеч ким.

13

Кул десанг, кул бўлай, ёнингда бўлай,
Кул десанг, кул бўлай — пойингда бўлай.
Не десанг розиман, аммо билиб қўй,
Қалбингда бўлайин, жонингда бўлай.

14

Кўзларингда бор қандай сеҳр? —
Тортаверар мени ўзига.
Раво кўрса агарда тақдир,
Кўзгу бўлар эдим кўзингга.

15

Худодан ўтиниб васлинг тиларман,
Ҳаёлингни эмас, аслинг тиларман.
Умринг баҳорида кўрмадим сени,
Энди оловдай ёз фаслинг тиларман.

16

Менинг кўксим қалқонсиз, хоҳласанг пайкон қада,
Хоҳласанг гулзор айта, хоҳласанг райхон қада.
Не қилсанг ихтиёринг, фақат бўлмагин бефарқ,
Ҳеч бўлмаса сочингдан бўйинига арқон қада.

17

Сен менинг бахтимми ёки кулфатим,
Тоҳида шодлик, гоҳ ғамдир улфатим.
Сенинг ҳаёлинг-да яшайман энди,
Туғаб бўлганича ерда муҳлатим.

159

18

Табиб табиб эмас, дард чеккан табиб,
Бўни англапман мен сени таниб.
Ҳаттоки номингни эшитиб қолсам,
Бутун вужуд, қалбим кетар ўртаниб.

19

Сеятаним тўғрими ёки хатоми,
Англайин дейману қўлимдан келмас.
Ҳисобда бўлур-ку инсон қалами,
Бостан қаламингни қайтариб бўлмас.

20

Шеъримга илҳоммас, ҳаётсан ўзинг,
Дардига малҳаммас, ҳаётсан ўзинг.
Тирикчилигим фақат сен билан жоним,
Ул ҳаммас, бул ҳаммас, ҳаётсан ўзинг.

21

Соғиндингми дема, соғиниш гапми,
Сени соғинмаган юрак юракми?!
Муҳаббат мен учун яшаш демақлир,
Ахир сенсиз мента ҳаёт керакми?!

22

Ишқинг оловида ёнган бир жонман,
Билмайман, кул бўлдим ёки омонман.
Кул улмоқ чорасини изламайман, йўқ,
Айрилиб бўларми сендай жонондан?!

23

Қиёсинг йўқ, таърифинг йўқ,
Ягонасан, ҳарифинг йўқ.
Имонинг бут, виждонинг пок,
Пушаймонгни тарихинг йўқ.

160

24

Сен гулдай гўзалсан, билмайсан,
Булбўлдай сўзлайсан, билмайсан.
Сен нимадан қочмоқчи бўлсанг,
Ўшани излайсан, билмайсан.

25

Сен менинг наздимда фаришта, пари,
Бир гўзал топмадим ўзинг сингари.
Худойим учратса нима қиларди,
Сен билан ҳозирмас, сал-пал илтари.

26

Сенсиз мента яшамок оғир,
Ташна дилни хушламоқ оғир.
Минг бир баҳор келиб, кетса ҳам,
Гулламоқлик, яшнамоқ оғир.

27

Саволлар берасан, чиқмас нафасим,
Жавобим бўлади маънос табассум.
Сен эса жавобин сўрайверасан,
Аламга тўлади кўкрак қафасим.

28

Мендан кўра дардлироқдирсан,
Мендан кўра бахтлироқдирсан.
Мен деб кечдинг...мен кечолмадим,
Мендан кўра шахлироқдирсан.

29

Қачонгча шундай юраминг дейсан,
Биламан, умрнинг ғамини ейсан.
Аммо бу бахтдан ҳам мосуво бўлсак,
Қай ҳолга тушамиз, жоним, билмайсан.

161

30

Суяман дейсану суймагандайсан,
Куяман дейсану куймагандайсан.
Сиздан бошқасига йўқ дейсан кўнглим,
Бошқани ҳам кўзи киймагандайсан.

31

Сен мени аллама, тўғрисишни айт,
Хатоки бошингга қилич келган пайт.
Ҳақиқат аълодир ширин ёлғондан,
Манзили жар бўлган бу йўлингдан қайт.

32

Юракка қулоққа тут, алдамас юрак,
Ақлининг сўзини англамас юрак.
Лекин бахт қалити унинг қўлида,
Ҳеч қачон хиёнат айламас юрак.

33

Балки азоб бериш сента хуш ёқар,
Парвонг йўқ, кўзимдан қонли ёш оқар.
Ҳижроннинг ҳар дами чаёнга ўхшаб,
Фақат юратимдан аямай чақар.

34

Қанча азоб берсанг, шунча суяман,
Қанча ғазаб қилсанг, шунча суяман.
Севганинг қалбига етмоқ ҳам савоб,
Қанча савоб қилсанг, шунча суяман.

35

Мен сендан ҳеч қачон қилмасман гина,
Хатто вужудимга урсанг ҳам нина.
Яхши кўрса инсон кечирар, кўркма,
Азоб бермоқликни истасанг яна.

162

36

Бир кунни билардим, ташлаб кетишинг,
Бу қора кўзларим ёшлаб кетишинг.
Лекин ҳаёлимга келмаган асло,
Бевафо гўзалга ўхшаб кетишинг.

37

Балки тўғри қилаётгандирсан,
Мени аёб, сийлаётгандирсан.
Не бўлса ҳам айрилиқ ёмон,
Бўни ҳали билмаётгандирсан.

38

Шунча ётганларим қуруқ бир гаплай,
Кет дединг бемағол, сира тап тортмай.
Сендан айрилмоқнинг йўқдир иложи,
Кўзим олдидасан қаякка кетмай.

39

Сўзларинг ханжардай кўксимга ботди,
Юратимга телди, тилди, қонатди.
Оғриқ азобига дош беролмадим,
Аммо эшитмадинг мен қилган долни.

40

Сента яхши бўлса, кетганим бўлсин,
Хоҳишинг шу бўлса, кетганим бўлсин.
О, сен мента бўндай боқма норизо,
Боқилинг шу бўлса, кетганим бўлсин.

41

Бир кунни пушаймон бўларсан шаксиз,
Ҳисоблаб ўзингни нотаваон, бахтсиз.
Балки мени сира севмагандирсан,
Унда мен адашдим, унда мен ҳақсиз.

163

42

Айрилиб кетишдан осони йўқдир,
Аммо бунинг жонга омони йўқдир.
Диллар бир-бирига талпинган маҳал,
Топишмаса бундай ёмони йўқдир.

43

Мени гафлат босди, не қилай гулим,
Мендан омад қочди, не қилай гулим?!
Ахир мен бу дамни қанча кутгандим,
Армон кучоқ очди, не қилай гулим.

44

Агар сен кет десанг, майли кетайин,
Зорим бор, зўрим йўқ, ахир нетайин?
Зўрлик, зўравонлик ошпақча хосмас,
Бўлмоқчи эмасман безбет, бетайин.

45

Севганинг рост бўлса, кечиртил мени,
Лайлига хос бўлса, кечиртил мени.
Беайб парвардигор дейишадик-ку,
Аразинг ноз бўлса, кечиртил мени.

46

Кечирिश кўлингдан келмас,
Балки гурур йўл бермас.
Биламан, йиқилганга
Хатто гадоёй кўл бермас.

47

Мен қаноат, қамга кўниккан одам,
Ҳаётда кўп ғамга йўлиққан одам.
Чўчимма, ўзимни босиб олурман,
Озгина бахтдан ҳам ҳовлиққан одам.

48

Балки бу яхшидир, балки бу ёмон,
Ширин ҳаёлларни кўймайман ҳамон.
Сен мендан кутулмоқ пайласан-у,
Мен-чи интиламман фақат сен томон.

49

Муҳаббатнинг баҳор, ёзи ҳам ўтар,
Ҳижрон, висол, араз, нози ҳам ўтар.
Наҳот кузи бўлса муҳаббатнинг ҳам?!
Ким бундан норози, рози ҳам ўтар.

50

Кўнглимда ёқилган чироқсан ўзинг,
Аммо мендан жуда йироқсан ўзинг.
Мен гўё денгизман — пойингда ётган,
Парво ҳам қилмаган қирғоқсан ўзинг.

51

Сенга етишмоққа кўзим етмайди,
Аммо ҳаёлимдан сиймонг кетмайди.
Дунёда битмаган ишнинг ўзи йўқ,
Нега пенсонамга васлинг битмайди?!

52

Бойлик, мансаб, шуҳрат — мента керакмас,
Олдинда уларнинг бари мисли хас.
Сенга муҳаббатим поёни йўқдир,
Уни ўлчаб бўлмас, чамалаб бўлмас.

53

Энг гўзал гулдан ҳам чандон ортиқсан,
Баҳорда ёришган тонгдан ортиқсан.
Тайриф-тавсифинга сўз йўқ, гўзалим,
Ягона бойлигим — жондан ортиқсан.

54

Сенсиз ўтган умр — мазмунсиз ҳаёт,
Шодликнинг ўрнида қайғуо фарёд.
Зарра раҳминг келса, қўллатил ўзинг,
Муҳаббатим қасри бўлмасин барбод.

55

Ишқисизлар тушунмас менинг қайғумни,
Ҳою ҳавасларга йўлар туйғумни.
Улар кўролмайди бу қайғу ичра,
Яширинган бахтим — қувонч, қулуғумни.

56

Сенга айтар гапим, сўзларим бисёр,
Агар тинглай десанг, айтар эдим ёр.
Тўлган юрак билан яшамоқ оғир,
Бугунга энди чидамоқ душвор.

57

Порлаган кўзларинг кунга ўхшайди,
Тим қора сочларинг тунга ўхшайди.
Ўхшашинг жуда кўп — бариси тўзал,
Севиб қолганим ҳам чинга ўхшайди.

58

Васлинига етмоқни ўйлаб ҳам бўлмас,
Хаттоки бировга сўйлаб ҳам бўлмас.
Тўё сен малика, мен бир галоман.
Қасринг деворидан бўйлаб ҳам бўлмас.

59

Сенсиз бу дунёнинг қизиги йўқдир,
Кунларнинг бирон бир тузуги йўқдир.
Сен бўлсанг, дўзах ҳам жаннат туюлар,
Кўнгли ҳам бутундир, кўнгли ҳам тўқдир.

166

60

Сен жуда юксақда, мен-чи пастдаман,
Лекин ишқинг билан бемор, хастаман.
Узатай дейману қўлим етмайди,
Куйиб қул бўлдим-ку, малак, дастингдан.

61

Дунёда тенгинг йўқ, нахот билмассан,
Чорласан ёнимга асло келмассан?
Қошингда тиз чўкмоқ учун тайёрман,
Сен эса ҳаттоки бошинг этмассан.

62

Тепирмон тошидек эзиб танимини,
Ичмоқчи бўлади ҳижрон қонимни.
Сен бунга йўл қўйма, азизам, асло,
Висол дамларига асра жонимни.

63

Мен сени севаман ўзимдан ортиқ,
Дунёни танитган кўзимдан ортиқ.
Ҳаётим мазмунни шеърят, лекин
Мен сени севдим шеър — сўзимдан ортиқ.

64

Бахтимга омон бўл, майли севмасанг,
Ғам кўрма, камрон бўл, майли севмасанг.
Сенинг ишқинг билан яшайвераман,
Майлига армон бўл, майли севмасанг.

65

Бир кунни ишқ деган тузоққа тушдим,
Кўмак ва нажотдан узоққа тушдим.
Сайёд раҳми келиб озодсан деди,
Мен унинг режасин бузмоққа тушдим.

167

66

Фироқингда паршон бўлдим,
Ишқ ўтига зўр нишон бўлдим.
Армон, қайғу эди беватан,
Мен уларга ошён бўлдим.

67

Дейдилар: темирни қизигида бос,
Мен ҳам кечиктирмай айтақолай рост.
Мен сени севаман! Ўзинг ҳукм қил:
Истасанг рад айла ё бағрингга бос.

68

Лоф сўзламалдим, йўқ, ростини айтдим,
Сен-да кечган онлар — энг бахтли пайтим.
Биламан, у дамлар энди қайтмайди,
Лекин у дамларга келмоқда қайттим.

69

Муҳаббат лаззатин сен ато этдинг,
Қалбимни қуйлатдинг, най, сато этдинг.
Васлингдан умидвор айладинг, аммо,
Ҳажрингда ёндириб, қул — адо этдинг.

70

Канча азоб торгудим, бирин билмайсан,
Лекин азобинг ҳам ширин билмайсан.
Тар билсанг бунчалар бермасдинг азоб,
Муҳаббат нелигин, сирин билмайсан.

71

Наҳотки у қушлар ширин туш бўлса,
Бошга қўнган бахтим учган қуш бўлса?
Ҳар нарсанинг боши, охири бордай,
Наҳот баҳор ўтди, энди киш бўлса?!

72

Хор қиламан дема, хор бўладирсан,
Зор қиламан дема, зор бўладирсан.
Ундан кўра яхши тилаклар айла,
Ҳамма ҳавас қилган ёр бўладирсан.

73

Сени кўрсам, қаҳрим меҳрга дўнар,
Гўёки бошимга бахт қуши кўнар.
Бунинг сабабини билмадим, балки,
Афсунгар кўзларинг сеҳрлаб кўяр.

74

Тилимдан тушмайди жарангдор исминг,
Ҳаёлимдан кетмас гулга мос жисминг.
Суйдириб, қуйдириб ишқинг ўтида,
Ҳижронга тўйдирдинг, висолдан қислинг.

75

Мен сента чинданам ошиқ бўлганман,
Келсанг гулдай яшнаб, кетсанг сўлганман.
Кўзларимга қара, кўрарсан шунда,
Сенинг ишқинг билан лим-лим тўлганман.

76

Мен сени истадим, бекор истадим,
Ёнига бортил деб ўзни қистадим.
Лекин сен боқмадинг ҳатто қиё ҳам,
Марҳамат кўрмаган қулни эсладим.

77

Ишқ бонига қушлай кўниб турибсан,
Лек нега ғамгинсан, тўниб турибсан?
Бари яшхи бўлар, чўчима ахир,
Қандай севанлигим кўриб турибсан.

78
Мақсадинг нелигин билмайман ҳамон,
Интилан манзилинг менга ноён.
Аmmo умринг ўтиб бормоқда елдай,
Этмалинг ўзингни ҳали намоён.

79
Мени севганларинг эдимۇ ёлғон?
Йўқса, нега ҳозир лоқайдсан жонон?
Сенсиз бир лаҳза ҳам йшолмайман деб,
Оҳ-воҳ қилганларинг, айт, недан нишон?

80
Чиройингни кўрган ҳар кимса лолдир,
Истаранг оташдир, сўзларинг болдир.
Ҳар тўқисда айб бор, лекин сенда йўқ,
Ҳаттоки ой учун ҳуснинг ҳасидир.

81
Жилмайсанг, тул ханда оттандай бўлар,
Қарасанг, ой, куёш боққандай бўлар.
Булбул сайрагандай бўлар сўзласанг,
Вужудимни бир ўт ёққандай бўлар.

82
Дунёда борлигинг мени шод қилар,
Лаҳза кўрмай қолсам қалбим дол қилар.
Енгилмоқни ёмон кўраман зеро,
Ҳар битта қарашинг ақлим мот қилар.

83
Сен тулпар ичиди энг сара тулсан,
Шу тулпа шайдоман, атарда билсанг.
Бир умр боғбондай қилай парварипи,
Агар майли десанг, гар рози бўлсанг.

84
Кенг, ёруғ пешонанг — ойнингни севдим,
Этилган қошларинг — ёйингни севдим.
Севаман оловдай ёнган кўзларинг,
Тип-тиник юзингни — сойингни севдим.

85
Мени ёмон дерлар, ишонма сира,
Ишқи ёлғон дерлар, ишонма сира.
Ахир улар рақиб, яхши дерми ҳеч,
Аллар ҳамон дерлар, ишонма сира.

86
Сен мени эрқала, азизим дегин,
Жону жаҳоним де, ёлғизим дегин.
Ширин сўзларингни аяма мendan,
Кўнглимни ёритган юлдузим дегин.

87
Тўғри мен Фарҳодмас, Қайс эмасдурман,
Лекин ишқинг билан шодон, масдурман.
Бу мастлик тарқамас, токи сен борсан,
Мен шундан бахтлиман, шундан масрурман.

88
Лабингдан лолалар ранг олгани рост,
Юзингни тонг кўриб, танг қолгани рост.
Сумбул соч, қошларинг шундай қораки,
Энг зулмат кеча ҳам дол бўлгани рост.

89
Ўйимда, кўнглимда, кўзларимда сен,
Хушимда, тушимда, сўзларимда сен.
Эгаллаб олгансан бутун борлигим,
Қиш, баҳор, ёзимда, кузларимда сен.

90

Бу дунё мен учун бўларди қафас,
Агарким сен унда олмасанг нафас.
Мангу гуллар каби жонингга сўлма,
Умидим ҳеч қачон топмасин абас.

91

Ёнингга сўзимга тош бойланади,
Аламдан кўзимда ёш айланади.
Бунча мушкул экан бир сўзни айтмоқ,
Ой юзингга боқсам бош айланади.

92

Бағримни ёритган куёш, ой эмас,
Кўнглингдек зиёга улар бой эмас.
Шул сабаб бир умр ёнимдан кетма,
Кетмасанг, ҳеч қачон ҳолим вой эмас.

93

Сен кулсанг, куёшлар кулгандай бўлар,
Сен юрсанг, товуслар юргандай бўлар.
Бунча гўзалликни олдинг қаердан?
Қошимда фаришта тургандай бўлар.

94

Сента кўлим етмас, чўзмоқ бефойда,
Ҳаёнинг ортидан ўзмоқ бефойда.
Фақат бу жонимга тиларман тўзим,
Орулар, режалар тузмоқ бефойда.

95

Агар кўшиқ айтсам, сени деб айттум,
Жаннатлардан қайтсам, сени деб қайттум.
Ахир яшاپман сента интилиб,
Сен учун ёзилгай ҳагто шоҳ байттим.

172

96

Бирам гўзалсанки, сўз йўқ таърифга,
Қолдирса арзийди ёзиб тарихга.
Аммо таърифнинг келтиролмайди,
Жуда қийин бўлар бу муаррихга.

97

Васлингга етган кун, мен учун байрам,
Мен шунга интилиб яшайман ҳар дам.
Лекин бу байрамнинг бўлмоғи дуввор,
Агар интилимасанг висолга сен ҳам.

98

Сўзингги тингласам, дилим яйрайди,
Юзингга тикилсам, дилим яйрайди.
Сен мен учун шодлик тимсолидирсан,
Ўзингги ўйласам, дилим яйрайди.

99

Кўнглимда кун бўлиб кулган сен ўзинг,
Қалбимни тиг бўлиб тилган сен ўзинг.
Шунданми гоҳ хурсанд, гоҳо нолонман,
Ишқ йўлида сарсон қилган сен ўзинг.

100

Бир ширин сўзингга маҳтал, зор бўлдим,
Лекин сен айтмадинг — интиқ, хор бўлдим.
Наҳот мушкул бўлса бир сўзни айтмоқ,
Шул сўз деб туғилдим, йўқдан бор бўлдим.

101

Кўзингга қарасам — кўлни кўраман,
Юзингга қарасам — гулни кўраман.
Ҳажрингда зор бўлиб юрндлар қанча,
Изингга қарасам — кулни кўраман.

173

102

Күөшсан, ёнингта бориб бўлмайди,
Бир тошсан, кўнгилни ёриб бўлмайди.
Лекин юрак фақат сента талпинар,
Ахир сенсиз мендай гариб бўлмайди.

103

Юлдузлар бўйнингта мунчоқ бўлсам дер,
Ярим ой кўйингта бир бор тўлсам дер.
Күёш ёноғингта порласам дейди,
Атиргул бўйингта қониб, тўйсам дер.

104

Сен менинг кўзимга яхшилаб қара,
Унда намоёнлир дилдаги яра.
Балки шунда дардим англаб етурсан,
Жафолар қилмасан қайтадан сира.

105

Кўзларинг кулганда борлигинг кулар,
Ёришиб кетади хаттоки тунлар.
Юзингта рагминлик соя солганда,
Зулматдай туюлар энг ёруғ кунлар.

106

Дийдоринг кўмсайман ҳар соат, ҳар он,
Сен ҳам буни яхши биларсан жонон.
Лек хижрон ўтига ташпайсан доим,
Мақсадинг не ўзи? Қийнамоқми жон?

107

Бир сента айтаман севдим сўзини,
Фақат олиб қочма энди ўзингни.
Эҳ, билсанг, мен сени қанча ахтардим,
Кунлар ҳам, тунлар ҳам юммай кўзимни.

174

108

Шўх шамол сочингни тинмай ўйнайди,
Ёнингдан бир зум ҳам жилмай ўйнайди.
Менинг юрагимда кўзғолаши рашк,
Чеккан азобимни билмай ўйнайди.

109

Тангри инояти ерда борлигинг,
Менга яқинлигинг, менга ёрлигинг.
Тангрининг ғазаби фирокдир, фирок,
Сента зорлигидир, менга зорлигинг.

110

Шунчалар ношудман, шунчалар ожиз,
Қошингта сўзлашга очолмас оғиз.
Билмам, шу кетишда охир не бўлғай,
Нахотки дунёдан ўтарман ёлғиз?

111

Хайратга солади сулдай оқлигинг,
Шабнамдай тозаю нурдай поклигинг.
Табиатинг буюк мўъжизаси сен,
Шаксиз ҳақиқатдир танҳо, тоқлигинг.

112

Сента ишонамслик — туноҳи азим,
Сен ғоят вафодор — қилурман тавзим.
Юз-кўзингдан тинмай ёйлади нур,
Борлигим ййрайди солганда разм.

113

Сени алишмайман дунё ганжига,
Сўзимни лоф ўйлаб, мендан ранжима.
Ундан кўра менинг кўзларимга боқ,
Улар ҳисларимни қилгай таржима.

175

114

Ўзича тушунар бахтни ҳар одам,
Мен учун бахт сенсан, билсанг жонинан.
Ҳеч қачон ташлама ҳижрон ўтига,
Бахтли бўлай дейман сўнгги дамда ҳам.

115

Камалакдай товланади атласларинг,
Буни кўриб келар гулнинг ҳасадлари.
Гул майлига, кенг дунёни тўлдирмиш, воҳ,
Қанча гўзал рақибларинг ҳасратлари.

116

Юзлаги холинга арзимас дунё,
Лаблаги болинта арзимас дунё.
Сокин ҳаёлингга бўзим келмади,
Чунки ҳаёлингга арзимас дунё.

117

Қошларинг бир қошки, ёй уялади,
Юзларинг бир юзки, ой уялади.
Ҳуснинг хирожига етмай дунё,
Етказмоқ истаган бой уялади.

118

Олислар кўринмас чироқ бўлмаса,
Кўнгиллар талпинмас йироқ бўлмаса.
Висолинг қадрига етмасам наҳот,
Айрилик бўлмаса, фироқ бўлмаса?!

119

Сен фақат мени де, ўзгани кўйинг,
Бир мени ўйлагил, бир мени суйил.
Бир юракка битта муҳаббат даркор,
Фақат мента васл майиндан куйил.

176

120

Шунчалар ҳам инсон бекам бўладими,
Зарра қайғуси йўқ, беғам бўладими?
Биз ғарибмиз, сизга етиш қаяқда,
Фақат бизга дунё бир кам бўладими?

121

Сув, олов бирлашса, дунё бўзилар,
Дўст, ёвинг сирлашса, ришта узилар.
Бизлар-чи, нимадан чўчиймиз жоним,
Севганлар бирлашса, дунё тузалар.

122

Жоним, дард чекмагин, юзинг сўлади,
Йиғлама, юратинг ғамга тўлади.
Юр гулдай очилиб, кундай сочилиб,
Ўшанда менинг ҳам бахтим кулади.

123

Кўрмайин дейману юрак кўймайди,
Кўзим дийдорингга сира тўймайди.
Ўзимга ўзим ҳеч тушунолмайман,
Наҳотки сендан ҳеч кечиб бўлмайди?!

124

Баъзан ишқисизларга ҳавас қиламан,
Ишқисизда дард бўлмас, яхши биламан.
О, севянг қийноқда қолади бу жон,
Бағримни ҳар куни юз бор тиламан.

125

Ўртада дарё бор, қирғоқдадурман,
Шундан ҳижрондаман, йироқдадурман.
Умр эса елдай бормоқда ўтиб,
Армон билан қирққа қирмоқдадурман.

177



126

Сени назарига илмаслар йўқдир,
Чиройинг ҳақида билмаслар йўқдир.
Васингга етмоқни минг хаёл қилиб,
Кўксини ҳижронда тилмаслар йўқдир.

127

Агар имо қилсанг, мардлар пойингда,
Кўллари кўксига, қарар раёингга.
Лекин сен уларга бепарвосан ёр,
Фақат маҳлиёсан ўз чиройингга.

128

Гўзаллик қутқарар бўлса дунёни,
Демак сен экансан дунёнинг жони.
Чунки бу дунёда сен борсан гўзал,
Ўзинг халоскорсан — дунё имкони!

129

Қараганим сайин қаратим келар,
Гўзалликдан қувниб, айратим келар.
Завқим юратимга сизмаганидан,
Овозим борича ҳайқиргим келар.

130

Қадримга етмадинг, қадринг билинди,
Дардим тушунмадинг, дардим билинди.
Кўзларимга боқиб, хўрсиндинг оғир,
Косасидан тошган сабрим билинди.

131

Ҳавосиз яшайман, яшайман сувсиз,
Яшайман зулматда, яшайман кунсиз.
О, қандоқ яшайман, яшай олмайман,
Бу ёруғ дунёда, жонгинам, сенсиз.

178



132

Бировнинг боласин не қилиб кўйдинг,
Кўксимни пичоқ-ла минг тилиб кўйдинг.
Раҳм-шафқат қилиш ўрнига, гўзал,
Масҳара қилгандай бир кулиб кўйдинг.

133

Бу дунёда сен учун яралганман.
Қалбимда ишқ, нур бўлиб таралганман.
Сени учратгунча сева олмадим.
Наҳотки бахтимни кўра олганман?

134

Ёнимда ўтиргил, ҳеч қайта кетма,
Шодланган кўнглимни парипон этма.
Гулсиз қолган бўлбул ҳоли не кечар?
Гулмисан, бўлбулнинг оловга отма.

135

Сен тоғдай суянчимсан,
Шодлигим, қувончимсан.
Ўтиниман, алдама,
Ҳаётга ишончимсан.

136

Оллоҳ сени менга дучор айлади,
Дилимга ишқ солди, ночор айлади.
Лекин айрилиқдан чиқмади бошим,
Висола келганда хор-зор айлади.

137

Кеча сени яна тушимда кўрдим,
Кўлларингдан тутиб, қувониб юрдим.
Уйғониб қарасам, ёнимда йўқсан,
Тушимми, ўнгимми, билолмай турдим.

179

МУНДАРИЖА

Юртим	3
Халқ	4
Тилак	5
Сўзлашиб турибман	6
Болалик	7
Зомин тоғлари	8
Шўх гўзал	9
Очиқ гап	10
Ёз оқшоми	11
Баҳорда келинг	12
Учиқлар	13
Мен галоман, меҳр галоси	14
Роз	15
Ёр келсалар	16
Мактубингни олдим ёр	17
Тоҳир кўшиги	18
Кўчада қолмайди	19
Шеърим	20
Тонг отди	21
Тутармисан кўлим ёр?	22
Сени ўйлаб	23
Ўчмас олов	24
Сеҳрлар бўлсам	25
Турткилиқлар	26
Тўри сўз	27
Шекспир сўзи	28
Ўқитувчи	29
Талабалик йиллари	30
Севтимизни биров билмайди	31
Муҳаббат — мангу	32
Халқ йўлида	33
Айбдор	34
Айтолмадим	35
Оналар	36
Мени ёлгонлар чарчатди	37
Тушларимга кирибсан гўзал	38

Улуғ истиқлол	39
Вақт	40
Мен кутган баҳор	41
Хотира кўни	42
Сиз кўчадан ўтганда	43
Ёвқувар йигитга салом	44
Соғинч	45
Очиқ юрак	46
Ҳамал	47
Кетолмайсан	48
Сўйиб қоласан	49
Ҳато	50
Қасбим	51
Нафс	62
Армон	53
Сен келсанг	54
Ору	55
Сени деб	56
Қамон экан	57
Аҳд	58
Оқ лайлак	59
Соғинганман	60
Бўлмай	61
Мени бир ит тишлади	62
Бор бўлсин	63
Тилак	64
Мен сенсиз яшолмайман	65
Зўжко талабалар	66
Аёллар	67
Айт	68
Ўзингизни сўйганмиз	69
Қоса	70
Айтилув	71
Қайнона	73
Юрак	74
Айрончи киз	75
Илқингла ёнлим	76
Сиз пулни сеवासиз	77
Ёрим бўлсанг	78

Осонмас	79
Бир зумигина келтип	80
Тиник шабоналарга чайилган майса	81
Киш манзаралари	82
Гузалисиз	83
Яширасан	84
Парвонасан	85
Асрор кўп	86
Айладинг	87
Айттингиз	88
Делим	89
Аяло	90
Етиб бўлмас	91
Гуллар хира тортади	92
Англаш пайтинг келди-ку	93
Аён этай	94
Қайларда юрибсан	95
Етар энди	96
«Афанди» газетасиги	97
Ишқ ўти	98
Ўткинчи дунё	99
Сен гуноҳсиз	100
Посбонлар	101
Соғиндим	102
Омонлик бообо	103
Истарангиз иссиқ бунчалар	104
Наврўз муборак	105
Камтар бўл	106
Боққан сайин	107
Келмадинг	108
Қалбингга кирмоқ истайман	109
Кўргим келади	110
Оппоқ қиз	111
Юлдузлар	112
Сени кўрсам	113
Қишлоғим	114
Ўзинг кўшилимсан	115
Штангачи	116
Овоз	117

Болаликни кўмсаб	118
Кечикиб учрашдик	119
Шоир ва қаллоб	120
Мунофиқ	121
Ялвапсиз бепарво	122
Тилка-пора қилдинг қалбимни	123
Мени англамаган дўст	124
Учрашмағай тоғлар	125
Эй, осмондан тушган фаришта	126
Зор бўлдим	127
Ўтган дамлар	128
Ишон	129
Кўзгулда оқарган сочингни кўриб	130
Тошкентим	131
Дунё — дарахт	132
Авило	133
Ҳақиқат синмас	134
Ватан туйғусидай азиз туйғу йўқ	135
Юрак бир жаннатдир	139
Дўстлик рубойлари	141
Шернинг зўри тўрт сатр	143
Халқ оҳангиди	152
Ҳаёт сабоқлари	154
Сен менинг гуллардан яхши гулимсан	157

ОЧИҚ ЮРАК

Шеърлар

Муҳаррир : С. Сафиева

Балий муҳаррир : А. Тилиахўжаев

Саҳифаловчи : М. Авазова

Чоп этилган 18.12. 2008 йилда рухсат этилди.
Times TAD гарнитураси. Бичими 60×84¹/₁₆.
Шартли босма табоғи 10,54. Нашр 6.т. 10,0.
Буюртма рақами № 42. Адади 1000 нуска.

«NOSHIR» нашриёти. 100129, Тошкент
шаҳар, Навоий кўчаси, пастки савдо растанлари.

«NOSHIR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, пастки савдо
растанлари.

14